



ASR

IJTIMOIIY-
SIYOSIY
GAZETA

Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chiqqan boshlagan

TADBIKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 19-MAY, PAYSHANBA, 20 (652)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 18 май куни Оқсаройда Болгария Республикаси Бош вазири Бойко Борисовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Болгария Бош вазирининг Ўзбекистонга илк таширифи ўзаро муносабатларда муҳим воқеа бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги манфаатли ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда яхши имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Болгарияни аънавий ва ишончли иқтисодий ҳамкор деб билади, ўзбек ва болгар халқлари узоқ йиллик дўстлик алоқаларига эга.

Учрашувда иқтисодий ҳамкорликнинг кенг қўламли масалалари – саноат, транспорт коммуникациялари, туризм, шунингдек, замонавий қўшма саноат корхоналарини ташкил қилишнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

Томонлар Болгария Бош вазири таширифи доирасида 18 май куни “Ангрен” махсус индустриал зонасида юқори технологияли янги “ЎзПростаойл” қўшма корхонасининг очилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин мисоли бўлганини қайд этдилар. “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси ва Болгариянинг “Приста Ойл” компанияси томонидан таъсис этилган мазкур корхона синтетик ва ярим синтетик мотор мойларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослашган.

Б.Борисов янги корхонанинг экспорт салоҳияти юқори эканини, Ўзбекистонда ташкил этилган “Навоий” ва “Ангрен” махсус иқтисодий ва индустриал зоналарда хорижий сармоядорларнинг муваффақиятли фаолияти учун қулай шароит яратилгани,

бу янги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар эканини таъкидлади. Бу Болгария компанияларига Марказий, Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатлари бозорларига чиқиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Болгарияда олиб борилаётган ва асосий йўналишлари иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, инвестицияларни кенгайтириш, тadbirkorлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўлган иқтисодий сиёсатни қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Болгария Бош вазири Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар стратегияси натижасида тўб иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга эришилганини юқори баҳолади. Бугунги ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар Ўзбекистоннинг янада тараққий этишида муҳим омил бўлаётганини қайд этди.

Томонлар ўзаро савдо алоқаларини янада кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Ўзбекистон Болгария бозорига кенг турдаги саноат маҳсулотлари экспорт қилиш ва ушбу мамлакатдан юқори технологияли товар ва ускуналар импорт қилишдан манфаатдор.

Учрашувда Ўзбекистон билан Болгария ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги истиқболли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун ишбилармон доиралар делегациялари алмашиш бўйича келишиб олинди.

Б.Борисов Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Болгария Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ў.А.

МУНОСАБАТ

Она тилини асраган халқ ўзини асрайди

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ “АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОННИ ҚЎЙИБ

Халқнинг она тили ва адабиёти шундай кучли, унда шу халқнинг қалби яшайди, неча мингйиллик тарихи, маънавий таърибаси, миллий тафаккури, миллий руҳи ва қадриятлари, ҳуллас, халқни халқ сифатида дунёга намойиш этадиган мезонлари тил ва адабиётда мужассам бўлади. Ҳозирги глобализм жараёнида дунёнинг баъзи халқлари ўз она тилидан мусово бўлиб, тарихи ва келажигидан узилиб қолаётгани кўпчиликка маълум. Қайсики халқнинг тили таназзулга юз турса, ўша халқнинг инкирози муқаррардир. Шунинг учун ўз қадрини билган миллат она тилини ўзини асрагандай асрайди, унинг тараққиёти, тақдирини учун муттақил курашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони кенг жамоатчилик томонидан мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасидаги муҳим воқеалардан бири сифатида қутиб олинди. Фармонда шундай фикрларни ўқиймиз: “Ўзбек тили қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шаклланишида миллоддан олдинги ва миллоддан кейинги дастлабки асрларда минтақамиз ҳудудида яшаган бактрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида мавжуд илмий

манбалар далolat беради”. Дарҳақиқат, миллий маънавий таъриб неча минг йиллар мобайнида тўпланган ва у халқнинг янги авлодлари руҳида яшашда давом этаверади. Миллий тафаккур даражаси ҳам аввало шу миллатнинг она тилининг бойлиги ва тараққиёти билан ўлланади. Ўзбек тилининг қадимий ва бой ўтмишга эга эканини тарихнинг ўзи далиллаб турибди. Мингйилликлар бизга бебаҳо бадиий асарлар қатори минглаб мақолларни, теран ибораларни, гаройиб маталларни тухфа қилган. Биттагина мақолнинг яралиши учун халқимиз неча юз йиллик йўлни босиб ўтган. Бутун ҳар биримиз ишлатаётган ва бизга олдийгина туюладиган биргина ибора ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Айни шу икки-учта сўздан иборат биргина иборанинг яралишида бутун халқнинг ва тарихнинг иштироки бор. Булар миллий тафаккурнинг, халқ хотирасининг бойи гулларидир.

Халқимизда “отамдан қолган”, “онамдан қолган” деган эзгу тушунча бор. Яъни, ота ё онадан қолган нарсаларни азиз тутиш урф бўлган. Худди шундай она тилимиз дурдоналари ҳам бизга ота-онамиздан қолган, ота-онамизга ҳам ота-оналари мерос қолдирган. Бу тизимнинг энг бошида қадимий миллат оналари – мола-қаримиз ва боболаримиз туради.

Бизни мингйилликлар олдинги илдишларимиз билан боғлаб турадиган ришта ҳам, шубҳасиз, она тилимиздир. Шунинг учун Президентимиз фармонида: “Биз аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устувор, узвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур”, деб таъкидланган. “Она Ватан”, “Она Ер”, “Она Юрт” деган тушунчалар бизнинг халқимизда муқаддас туйғулар даражасига кўтарилган ва авлодларнинг қон-қонига сингиб кетган. Айни шу қутлуғ тушунчалар сафида “Она Тил” ҳам бор. Зеро, у ҳар биримиз учун том маънодаги муқаддас Онадир. Миллий адабиётимиз, миллий тафаккуримиз, маданият-маърифий оламимиз шу Онанинг азиз фарзандларидир.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами олдин ажайиб тухфа бўлди. Бу барчамизга муборақ бўлсин!

Эшқобил ШУҚУРОВ,
шоир, Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими
Ў.А.

ПАРЛАМЕНТДА

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ҚЎМИТАСИНING КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ ЮЗАСИДАН СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЎТКАЗИЛГАН НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ТАДБИРИ ЯҚУНЛАРИ ШУ СОҲАГА АЛОҚАДОР ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАРНИНГ МУТАСАДДИЛАРИ ИШТИРОКИДА ҚЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

Давлат харидлари: ТИЗИМ ТОБОРА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА



Маълумки, Бюджет кодексининг 121-моддасида давлат харидлари тизими механизмларининг асосий қоидалари акс эттирилган. Унга кўра, бюджет ташкилотлари ўз эҳтиёжлари учун харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақидаги эълонларни савдодам камидан 10 кун аввал Ўзбекистон Республикаси Товар-хонамаш биржаси (ЎЗТХБ)нинг ахборот порталида жойлаштириши керак. Бундай тартиб эса товарларни етказиб берувчилар ўртасида соғлом рақобатни юзага келтириши баробарида савдодаги шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

– Мамлакатимизда бу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани бежиз эмас, – деди йиғилишнинг очар экан парламент қўйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси, О'зЛиДеП фракцияси аъзоси Аҳам Шодмонов. – Хусусан, Президентимизнинг кичик бизнес субъектларининг давлат харидлари тизимидан фойдаланиши учун қулай имкониятлар яратишга оид ташаббуслари асосида ажратилган махсус квоталар орқали хусусий секторнинг айна

жараёндаги иштироки амалда тобора кенгайиб бораёттир. Эндиликда тadbirkorлар ўзлари ишлаб чиқарган махсулотларини давлат буюртмалари учун сотиш бўйича очик электрон савдоларда бевосита қатнаштирилади.

Тақдим этилган маълумотларга қараганда, 2015 йилнинг ўзида республика-мизда электрон ахборот портали орқали 497,2 миллиард сўмлик савдолар амалга оширилган. Энг муҳими, ана шу тарздаги харидлар натижасида бюджет маблағлари тежалишига эришилган. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 5 апрелдаги “Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тadbirkorлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида”ги Қарори муҳим омил бўлмоқда.

– Бюджет кодексининг 121-моддаси талаблари Сирдарё вилоятида қандай бажарилаётганини тегишли ташкилотлар мутахассисларини жалб этган ҳолда жойига чиқиб ўргандик ва бир қатор ижобий ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлдик, – деди О'зЛиДеП фракцияси аъзоси Ўткир Бутаев. – Жумладан,

ўтган йил давомида вилоятда электрон савдолар бўйича умумий қиймати 21 миллиард сўмлик 13 мингта шартнома тузилган. Янги тизимда иш юритиш натижасида салкам 10 миллиард сўмлик бюджет маблағи тежаб қолingan.

Депутатларнинг қайд этишича, назорат-таҳлил тadbiri давомида баъзи камчилик ва нуқсонлар ҳам аниқланган. Хусусан, айрим бюджет ташкилотлари томонидан харид қилиниши лозим бўлган товарлар бўйича буюртмалар эълони махсус порталга жойлаштирилмаган ва электрон савдолар ўтказилмаган бўлса-да, ҳудудий Фазначилик органлари бундай шартномаларни рўйхатга олган. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимликлар томонидан давлат харидларига хусусий сектор вакиллари жалб қилишга етарлича эътибор қаратилмагани туфайли ҳисобот даврида Сардоба туманида атиги 1 та, Оқолтинда 2 та, Ховос ва Боёвутда 3 тадан кичик бизнес субъектлари электрон савдоларда қатнашган, холос. Ваҳоланки, ЎЗТХБнинг савдоларини ташкил этиш бўйича маъсул ходими Азиз Абдуғаниевнинг таъкидлашича, мамлакат миқёсида бу борада хусусий секторнинг улуши 98 фоизга етган. Агар 2011 йилда электрон харидларда битта лот учун 2 та таклиф билдирилган бўлса, 2015 йилда мазкур кўрсаткич ўртача 9 тани ташкил қилган.

Йиғилишда, шунингдек, кун тартибидagi масала ва депутатлар томонидан аниқланган камчилик ҳамда нуқсонларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Баҳром Бўронов, Молия вазирлиги Фазначилиги бошлигининг биринчи ўринбосари Дилшод Пўлатовнинг ахборотлари тингланди.

Савол-жавоблар тарзида давом этган тadbir яқинда соҳага оид қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид таклиф-тавсиялар ўртага ташланиб, муҳокама қилинган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Озод РАҲАБОВ,
Солх ЗОИР олган суратлар

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

АҲАМИЯТИ КЕНГ, МОҲИЯТИ МУҲИМ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеП фракцияси аъзолари ва ҳудудий партия ташкилотлари ҳамкорлигида жойларда ўтказилаётган тadbirlарда Президентимизнинг “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тadbirlари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган устувор вазифалар аҳамияти ва мазмун-моҳияти кенг ўрганилмоқда. Ана шундай мулоқотларнинг навбатдагиси

Самарқанд туманидаги “Аъзам Азамат Агро” кўп тармоқли фермер хўжалигида ташкил этилди. Тadbir қатнашчилари дастлаб мазкур хўжаликда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш, интенсив усулдаги боғ ва тоқзорларни кенгайтириш, иссиқхоналар ташкил этиш ҳамда экинларни томчилатиб суғориш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

2

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 16-майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқа ва бошқа мажбурий тўловлари учун қорғиш валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини қийматини белгиледи.
*) Валюта қийматини белгилash чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни узиб қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

1 Австралия доллари	2124,09	1 АКШ доллари	2914,1	1 Хитой юани	446,54	1 Польша злотийси	751,99	1 ЕВРО	3344,95
1 Англия фунт стерлинги	4186,69	1 Миср фунти	328,17	1 Россия рубли	44,88	1 СДР	4111,71	10 Жанубий Корея вон	24,75
1 Дания кронаси	443,08	1 Исландия кронаси	23,59	1 Украина гривнаси	114,49	1 Туркия лираси	982,67	10 Япония иенаси	267,64
1 БАА дирҳами	793,38	1 Канада доллари	2254,62	1 Малайзия ринггити	722,92	1 Швейцария франки	2985,15		

ОЧИҚЛИК – ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли" мавзuida семинар ташкил этилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги мутахассислар ҳамда журналистлар қатнашган ушбу тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ ролини кучайтириш, аҳолига ишончли ва тезкор ахборотлар етказишда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалиётга татбиқ этиш бўйича зарур услубий тавсиялар бериш, шунингдек, очиқлиқни таъминлашда ННТлар билан самарали ҳамкорлик қилаётган давлат органлари тажрибасини ўрганиш хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиқни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Ўз навбатида, мазкур жараён тегишли қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида"ги қарори долзарб аҳамият касб этмоқда.

– Партиямиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, сўз ва матбуот эркинлиги, шунингдек, ислохотлар очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда қаратилган демократик тамойилларни ҳаётга янада чуқурроқ татбиқ этишни ўзининг устувор йўналишларидан бири деб билади, – дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Бекзод Ортиқов**, – Шу маъ-

нода очиқлик тўғрисидаги қонуннинг концепциясида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари малакатимизда ахборот эркинлигини таъминлаш тизимидаги муҳим субъект сифатида белгилаб қўйилганини кўришимиз мумкин. Қолаверса, мазкур қонун уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиқ ҳайъат мажлисларида қатнашиш, ахборот олишга доир ёзма ёки оғзаки сўровлар билан муурожаат этиш ва жавоб олиш асосида ахборотта бўлган ҳуқуқларини таъминлаш кафолатини беради.

Иштирокчилар ҳукуматнинг мазкур қарори ижроси юзасидан тасдиқланган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш методикаси билан танишдилар. Тадбирда, айниқса, "очиқлик индекси" бўйича рейтингни баҳолашда давлат органларининг оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигининг самараси алоҳида ўринга эгаллиги таъкидланди.

Семинар давомида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли, очиқлиқни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳақида аҳолининг хабардорлигини оширишда ОАВнинг ўрни каби масалаларда маърузалар тингланди.

Тадбир сўнггида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга доир тақлиф ҳамда тавсиялар билдирилди.

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
"XXI asr" мухбири

Парламент назоратининг яхлит ҳуқуқий асоси

Қарши шаҳрида "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари" мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзолари, Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари, БПТ етакчилари иштирок этди.



Мазкур қонун "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да илгари сурилган асосий ғоялар ва унда белгилаб берилган устувор вазифалар асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Зеро, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялаш жараёнида парламентнинг тугган ўрни бекиёс.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги вазифаларга тўхталар экан, "Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлар олдига турган ғоят муҳим вазифа – қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганлиги устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнат-

тишдан иборатдир", дея алоҳида таъкидлаганди.

– Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мустақиллик йилларида амалга оширилаётган демократик ислохотлар, хусусан, давлат бошқарувида парламентнинг ролини кучайтиришга оид тизимли чора-тадбирларнинг мантйқий давоми бўлиб, парламент назоратини амалга оширишнинг ислох қилиш ва модернизациялаш жараёнида парламентнинг тугган ўрни бекиёс.

– деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқулов**, – Унда парламент назорати функциясини самарали амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмларини очиб берувчи янги нормалар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолияти устидан парламент назоратини ўрнатишга оид институтлар ўз

аксини топди. Парламент назоратининг объекти ва субъектлари белгиланиб, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ акс эттирилди. Қолаверса, сиёсий партиялар фракцияларининг парламент назорати субъекти сифатида белгиланиши улар учун яна бир янги имконият десам, муболага бўлмайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар парламент назоратини амалга ошириш анча мураккаб жараён эканлиги, бу нафақат депутатлар, балки бутун партия тизимидаги ишларни самарали йўлга қўйишни талаб қилишини алоҳида қайд этдилар. Уни изчил йўлга қўйишда партия бошлангич ташкилотлари, маҳаллий кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Шу орқали қонун ҳужжатларининг жойларда қандай бажарилаётганини ўрганиш, одамлар қандай муаммоларга дуч келаётгани, қандай қо-

нунларга эҳтиёж борлиги ҳақида тақлиф ва тавсиялар олиш имкони ортди. Бу, табиийки, партия Сайловолди дастурида белгиланганидек, ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Давра суҳбатиди, шунингдек, йил сайин мамлакатимизда вакиллик ҳокимияти фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва кафолатлари мустаҳкамланиб, халқимизнинг депутатлар олдига қўяётган талаблари тобора ортиб бораётганлиги, парламент назоратини амалга оширишда депутатлар сайловчилар талаб ва истакларини рўёбга чиқаришда қонуний ваколатларидан тўлиқроқ фойдаланишлари зарурлиги эътироф этилди.

Тадбир сўнггида парламент назоратини амалга ошириш бора-бора бир қатор тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

ДЕПУТАТЛАР ЗИММАСИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Олмалик шаҳрида О'зЛиДеР Тошкент вилоят Кенгаши томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг саноат корхоналари билан кооперацияси – ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили" мавзuida давра суҳбати ташкил этилди.

Унда йирик корхоналар ва кичик бизнес субъектлари ўртасида саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, қўлай инвестициявий муҳитдан оқилона фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш соҳасига замонавий технологияларни жалб этишда партия депутатлик гуруҳларининг иштирокини янада фаоллаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, 2015 йилда вилоятда 2120 дан зиёд янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони қарийб 23 минг тага етди.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиб боришида партия депутатлик корпуси иштирокини ҳам алоҳида қайд этиш зарур.

Зеро, О'зЛиДеР фракцияси, партия тузилмалари ва депутатлик бирлашмалари зиммасига бу борадаги дастурлар ижросини назорат ва таҳлил қилиш, жойлардаги муаммоларни ўрганиш учун эшитувлар ташкил этиш, парламент назоратини йўлга қўйиш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи вакиллари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 23 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди, 29 нафар мансабдор шахс ҳисоботи эшитилди, 98 та депутатлик сўрови юборилиб, сессиялар кун тартибига 21 та тақлиф билан чиқилди ва уларнинг 9 таси сессияларга киритилди. Уларнинг аксарияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан импорт ўрнини босувчи

ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда диверсификация-модернизация жараёнига доир масалалардир.

Тадбирда мамлакатимиздаги турли тармоқлар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кооперацияни янада кучайтиришда кичик бизнес имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида сўз юритилди. Қатнашчилар томонидан йирик саноат корхоналарини кичик бизнес тузилмалари билан ҳамкорлик алоқаларида киришишини рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни жорий этиш, бу борадаги тажриба ва услубларни турли воситалар орқали тарғиб этишга доир тақлифлар илгари сурилди.

О'зЛиДеР матбуот хизмати

С.Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Мулоқот давомида алоҳида таъкидланганидек, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги изчил ислохотлар натижасида фермер ҳўжаликлари аграр тармоқнинг етакчи кучига айланди. Биргина Самарқанд вилоятида 2013-2015 йилларда 8 мингдан ортиқ қўл тармоқли фермер ҳўжаликлари шакллантирилди. Шу даврда қишлоқ мулкдорлари томонидан 9 минг 266 та янги лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши туфайли 30 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Жорий йилда эса 2 минг 970 та лойиҳани амалга ошириш орқали 2 минг 839 та фермер ҳўжалиги фаолиятини кенгайтириш ва 11 минг 379 дан ортиқ иш жойи очил режалаштирилган. Хусусан, 585 та фермер ҳўжалигида 3 минг 254 гектарлик майдонда бoғ ва

Эътиборли жиҳати, жаҳонда ҳали бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари бартараф этилмаган бир шароитда Ўзбекистоннинг аграр тармоқ маҳсулотларини экспортга йўналтириш имкониятлари кундан-кунга кенгайиб бораётир. Президентимиз имзолаган ушбу қарор эса мазкур жараёни янги босқичга олиб чиқишда дастуриамал бўлади.

– Қарорга асосан мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар тузиш учун хорижий компаниялар иштирокида халқаро ярмаркалар ўтказилиши фермерлар ва тадбиркорлар учун чет эллик шериклар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, жаҳон бозорига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини яратади, – дейди **вилоят Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бўлими бошлиғи Максуд Қорабоев**, – Масалан, жорий йилда Самарқанд вилоятида 37385 гектар майдонда бoғдорчилик-узумчилик, 3965 гектар майдонда полз ва 5503 гектар майдонда бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етишти-

риш режалаштирилган. Тадбирда мева-сабзавот етиштиришда илғор усул ва технологияларни қўллаш, қир-адирлардаги боғларни томчилатиб сугоришни йўлга қўйиш, мавжуд бoғ ва тоқзорлар қатор ораларига картошка, сабзавот ва полз экинлари экиш, иссиқхоналар ташкил этиш, аҳоли томирқасидан унумли фойдаланиш бўйича фикрлар алмашилди. Эски, кам ҳосилли боғларни янгилаш, маҳсулот сақланадиган совутгичли омборхоналарни кўпайтириш, ғалладан бўшаган ерларга полз ва сабзавот экиш юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

Иштирокчилар ушбу қарор мазмун-моҳиятини вилоятнинг барча ҳудудларига тадбиркорлар ва фермерлар ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган вазифаларни белгилаб олдилар.

Мухаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

Президентимизнинг "2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги Қарориди белгиланган вазифалар электратимизнинг салмоқли қисминини ташкил этувчи хусусий сектор вакиллари манфаатлари, демакки, О'зЛиДеР Дастури ва Сайловолди платформасидаги устувор йўналишлар билан ҳамохандир. Зеро, партиямиз иқтисодиётни либераллаштириш масалалари баробарида ўзимизда мавжуд ҳамашё асосида тайёрланган рақобатбардош маҳсулотларни маҳаллийлаштириш, тармоқларро саноат кооперациясини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ишларига жиддий эътибор қаратяпти.

Мазкур жараёнда депутатлик корпусининг фаол иштироки диққатга молик. Улар тадбиркорлар эркинлигини таъминлашга йўналтирилган зарур шарт-шароит ва кафолатлар яратилиши, хусусий сектор йўлидаги турли тўсиқларнинг бартараф этилиши учун бор куч ва имкониятларини ишга солишга интилишмоқда. **О'зЛиДеР Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси** билан партия депутатлик гуруҳи аъзолари, тадбиркорлар ва ҳамкор

(49,3 фойз), Миробод (21,9 фойз) ва Олмазор (8,1 фойз) туманлари ҳиссасига тўғри келаётганини қайд этди. Маҳаллийлаштириш дастури мониторингини юритишда аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан мутасадди идора ва ижрочилар билан узвий алоқада иш юритилаётганлиги тўғрисида атрофлича маълумот берди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзолари иштирок-

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОР

ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилган **"Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг ички бозорни сифатли кенг истеъмол товарлари билан таъминлашдаги ўрни ва булда кичик бизнеснинг улуси"** мавзuidaги давра суҳбатиди ана шу фикрлар алоҳида тилга олинди.

Тадбирда **О'зЛиДеР Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Тўрабек Назаров** сўз олиб, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик таънигча, юртимизни таракқиёт йўлидан ҳаракатлантирувчи кучга айланаётгани, давлатимиз раҳбари томонидан бу соҳани ривожлантиришмасдан, унга тегишли қўмак ва рағбат бермасдан туриб, иқтисодиётимиз келажагини таъминлай олмаслигимиз асослаб берилганини таъкидлади.

– Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш ислохотларнинг хозирги босқичида муҳим аҳамият касб этаётир, – деди маърузачи. – Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улкан имкониятларга эга эканини барчамиз яхши билимиз. Бугунги кунда маҳаллийлаштирилган корхоналар нафақат ички бозорни тўлдирмоқда, балки у ташки бозорга ҳам чиқмоқда. 2015 йилда Тошкент шаҳрида маҳаллийлаштириш дастури доирасида 162 та лойиҳа бўйича импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, прогноз 119,1 фойзга бажарилди. Жорий йилда эса дастур доирасида 156 та лойиҳа асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари белгиланган ва тегишли ишлар бажариляпти.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси бошлиғи Наримон Исмоилов мулоқот иштирокчиларини мазкур йўналишда пойтахтимизда амалга оширилаётган ишлар билан батафсил таништирди. Хусусан, жами 263 турдаги янги маҳсулотни ўзлаштириш бўйича изчил иш олиб борилиб, аккумуляторларни қувватловчи ускуналар, полимерли электр изоляторлар, алюминдан тайёрланган иситиш радиаторлари, енгил автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, пайвандлаш электродлари, диодли лампалар ва бошқаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини билдирди. Уларнинг асосий қисми Яшнобод

чилар эътиборини дастур мониторингини юритиш давомида аниқланган камчиликлар депутатлик корпуси ҳамда тегишли идоралар ҳамкорлигида ҳал қилинаётганига қаратдилар. Жумладан, жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, депутатлар томонидан тадбиркорлар манфаатларини ифодалаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи 60 дан зиёд депутатлик сўрови йўлланган, 10 та масала назорат тартибиди ўрганилган. Шу билан бирга депутатлик гуруҳи мажлисларида 14 нафар мансабдор шахс ҳисоботи тингланган ва шаҳар Кенгаши сессияларига 2 та масала киритилган. Депутатларнинг айтишича, хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш бора-сидидаги ишлар билан янада кўпроқ шугулланиш керак. Шунинг баробарида ишбилармонларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга ёрдамлаштириш, ўрта қатламни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган норматив ҳужжатларнинг ижросини мониторинг қилиш, электратимиз орасига янада чуқурроқ кириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Тошкент шаҳар прокуратураси масъул ходими Ақбар Тўрдиёв қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда хусусий сектор учун янада қўлай шарт-шароитни вужудга келтириш борасида муайян ишлар бажарилаётганини баён этди.

Шунингдек, тадбирда **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзолари** Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Давлат божхона ва солиқ қўмиталарининг ҳудудий бўлинмалари вакиллари қарор ижроси бўйича олиб борилаётган муайян чора-тадбирлар, учраётган айрим муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида гапирдилар.

Мулоқот чоғида "Металл мануфактуринг" МЧЖ бошлиғи Ахрол Қўчқоров, "Мангу бўл обод" хусусий корхонаси раҳбари Баҳодир Султонов, "Alviyero" ХФ директори Саидазиз Тўхтабоев, "Diotritron" МЧЖ раҳбари Ақмал Шамсиев ва бошқа тадбиркорлар ўзларини кизиқтираётган саволлар, масалаларни ўртага ташдилар. Идора ва ташкилотлар вакиллари уларга батафсил тушунтиришлар бердилар, айрим масалалар назоратта олинишини маълум қилдилар.

Бекзод ИСРОИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ САМАРАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, O‘zLiDeP бошқа сиёсий партиялар билан соғлом рақобат қилиши баробарида ўз электоратининг асосий қисмини ташкил этувчи тадбиркорлар манфаатларини ифодаловчи гоёлардан келиб чиққан ҳолда белгиланган дастурий вазифаларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш йўлидаги ҳаракатлар изчиллигига жиддий эътибор қаратмоқда.

Бунда, ҳеч шубҳасиз, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси ҳамда маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларининг яқин ҳамкорлиги қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини яхшилашга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга партия фаолиятининг таъсирини кучайтиришга ёрдам беради. Ана шу ҳамкорлик профессионализм ва юксак мунозара маданияти негизига қурилиши эса самарадорликни янада оширади.

Бу борада жойларда электоратни ўйлан-тираётган социал-иқтисодий муаммоларни чуқурроқ ўрганиш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очик, ошқора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, зиммасига юкланган мажбуриятларни удалай олмаётган давлат органлари, хўжалик бошқаруви, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимлари раҳбарларининг ахборотларини танқидий таҳлил асосида қуриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, **“...фақатгина ҳуқуқий давлат шароитида демократик тартибга эришилади ва шундай тартиб сақланади, демократик институтлар ва кадрятлар ҳаётга татбиқ этилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, энг асосийси, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси амалда таъминланади”**.

Давлатимиз раҳбари фикрларига ҳамоҳанг равишда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, либерал иқтисодиёт ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш, юртимизда тинчлик-барқарорликни сақлаш, Ўзбекистоннинг тараққиёт ёлдан мамлакатлар қаторидан жой олишини таъминлаш масалалари O‘zLiDeP Сайловлики платформасида устувор мақсадлардан бири этиб белгиланган.

Бу мақсадларга эришишда, албатта, депутатлик корпусининг роли ниҳоятда долзарб ўрин тутаяди. Хўш, **O‘zLiDePнинг Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти юқоридаги талабларга жавоб бера оладими?** Қуйидаги мулоҳазаларимиз ана шу ҳақда.

РАҚАМЛАР БИЗДАН, МУЛОҲАЗА СИЗДАН

Айни пайтда Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги 55 та депутатлик ўринининг 24 тасини партияимиз вакиллари эгаллаган бўлса, 130 нафар сафдошимиз туман (шаҳар) кенгашлари депутати сифатида фаолият юритаётгир.

– Бу кўрсаткич ҳудуд миқёсида бошқа партияларга қиёслаганда энг яхши натижадир, – дейди **O‘zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Уктам Алибаев**. – Депутатлик гуруҳларимиз томонидан 2015 йил давомида турли ташкилот ва идоралар раҳбарларига 150 га яқин сўров юборилиб, уларга асосланган жавоблар олинди. Шунингдек, депутатлик гуруҳларимизнинг 82 та йиғилишида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари юзасидан мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Бу борада **Халқ депутатлари Термиз шаҳар, Ўзун, Жарқўрғон, Денов, Музработ ва Шўрчи туман Кенгашларидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳлари ташаббускорлигини** қайд этиш лозим. Мазкур вакиллик органларидаги фаол депутатлар сирасига Очилид Хидиров, Дилбар Сувонова, Исо Қалқонов, Қурбон Шуқуров, Саломат Қувватова, Аҳмад Нарзуллаев, Норкуват Сатторов ва Буран Менбаевларни



киритиш мумкин. Таъкидлаш керакки, Сурхондарё вилоятининг 14 та туман (шаҳар) Кенгашларидан 7 тасида айнан O‘zLiDePдан сайланган депутатлар етакчилик қилишмоқда.

Улар партия Сайловлики платформасида белгиланган долзарб вазифаларни бажариш, ҳудудий дастурлар ижроси юзасидан депутатлик назоратини амалга оширишдаги қатъийлиги боис ана шундай мавқега эришган. Партия ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларидаги депутатлик гуруҳи аъзолари иштирокида туркум семинар-тренинглар, ўқув курслари ўтказиб келинаётгани вакиллик органларидаги маслаҳатчиликнинг тажриба ва малакасини оширишда амалий кўмак бўляпти.

– Партиянинг дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда бизга улкан масъулият юкланган, – дейди **Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати Исо Қалқонов**. – Бу ўзига хос жавобгарликни теран ҳис этган ҳолда ҳаракат қилиш айни пайтда сайловчилар олдидagi асосий бурчларимиздан биридир. Моломидики, электорат фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, уларни партиявий воситалар орқали ҳал этишга интилиш, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликлари йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш борасида мамлакатимизда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бўйича ижроия органлари устидан таъсирчан депутатлик назоратини янада кучайтиришимиз зарур. Ўтган йилда депутатлик гуруҳимиз вакиллари томонидан сайловчилар мурожаатлари бўйича Термиз шаҳридаги турли идораларнинг мансабдор шахсларига 20 дан ортиқ сўров юборилиб, уларнинг деярли барчасига асосланган тушунтиришлар олганимиз ҳам бежиз эмас. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари йиғилишига 2 та, сессия муҳокамасига битта масала киритилди. Масалан, янги қурилаётган кўп қаватли уйларнинг узлуқсиз равишда сув, газ, электр энергияси билан таъминланишини мониторинг қилиб бориш, шаҳарнинг янада бўғал бўлишида аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришнинг муҳим жиҳатлари ҳусусида аниқ таклифлар билан чиқдик. Энг муҳими, ана шу таклифлар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШ ХОҲИШИ

Эътироф этиш керакки, депутатларимиз ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиш истагида аҳоли фаровонлигини ошириш, ёшларни иш билан таъминлаш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқти-

содий салоҳиятини янада ошириш борасида сезиларли ишларни амалга оширмоқда.

– Аҳолининг ижтимоий фаоллиги кучайиб, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги кундан-кунга юксалаётганида партияимизнинг муносиб ўрни борлиги эътиборга лойик, – дейди **Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Аҳмад Нарзуллаев**. – “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини босқичма-босқич амалга ошириш, давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган амалий ишлар олиб бориш партияимизнинг устувор вазифаларидан биридир. Мен 2014 йилда бўлиб ўтган сайловда Денов туманида ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, электр энергияси, табиий газ ва тоза ичимлик суви таъминоти, янги иш ўринларини яратиш ҳамда ёшларнинг спортга бўлган қизиқиши масалаларини чуқур ўрганишга, уларнинг ечими юзасидан аниқ таклифлар билан чиқишга ваъда берган эдим.

Дастурийда белгиланган йўналишлар асосида айни пайтда сайловчиларимизнинг ишончли оқлашга астойдил ҳаракат қиялпман. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги мутасаддиларига туманимизнинг Холчаён ҳудудидagi қаровисз бўлиб қолган қишлоқ врачлик пунктини қайта таъмирлаш бўйича депутатлик сўрови юбориб, ижобий жавоб олдим. Шу тарихда 30 ўринли ҚВПни қайта қуриш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш режага киритилди. 2016 йилнинг биринчи чоратида сайлов округидagi фуқаролардан 20 дан кўпроқ мурожаат бўлди. Уларнинг аксарияти депутатлик ваколати доирасида ижроия органлари эътибори жалб қилинган ҳолда жойида ҳал этилди.

82 ТАСИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Электорат манфаатларини ишончли ҳимоялаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, уларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш йўналишида амалга оширилаётган ишлар юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш депутатлик гуруҳларининг устувор вазифалари сирасига қиради. Шунинг учун ҳам O‘zLiDeP ҳудудий ташкилотлари ва депутатлар олдига ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини назорат қилиш, жойлардаги муаммоларни ўрганиш учун ушшувларни ташкил этиш борасида тизимли ишлаш талаби қўйилган. Чунончи, партия фермерлар манфаатини қўлаб-қувватлаш, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кескин ошириш тарафдори.

Мутахасссларнинг айтишича, жорий йилда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастури доирасида қарийб 21 минг фермер хўжаликларида янги интенсив ва маҳаллий боғлар, тоқзорлар барпо этиш, паррандачилик, балиқчилик ва асаларчиликни ривожлантириш, умуман, озиқ-овқат саноати маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий қорхоналарни очилиш, мавжудларини реконструкция қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, мулкдорлар манфаатини қўлаб-қувватловчи O‘zLiDePнинг ўрни ва роли жуда юқори.

– Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини 2020 йилгача икки баробарга ошириш мақсадида режалаштирилган истиқболли лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан таъсирчан депутат-

лик назоратини ўрнатиш учун янада фаол ва ташаббускор бўлишимиз керак, – дейди **Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Дилбар Сувонова**. – Бу борада, масалан, Сурхондарёда 2016 йилнинг ўзида 82 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, 1350 та фермер хўжалигининг кўп тармоқли субъектга айлантирилиши режалаштирилган. Моломидики, ҳудудий дастурлар ижроси бўйича мунтазам депутатлик назоратини олиб бориш, эшитувлар ташкил этиш ва сўровлар юбориш, лойиҳалар ташаббускорлари билан доимий равишда мулоқотда бўлиш самарали механизмлар саналади.

Кези келганда айтиш керакки, 2015 йил давомида маҳаллий кенгашлардаги O‘zLiDeP депутатлари томонидан турли ташкилотлар муттасадди раҳбарларига 244 та сўров юборилиб, шулардан 82 таси ижобий ҳал этилишига эришилди. Ушбу мурожаатларнинг аксарияти партия электорати бўлган тадбиркор ва фермерлар томонидан йўланганлиги жамоатчилик орасида бизга бўлган ишончни янада оширади деб ўйлайман.

– Бугунги фермерлар фақатгина маҳсулот етиштириш билангина чекланмай, мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошириш, юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига муносиб улўш қўшиш билан бирга, одамларни руҳлантирадиган хайру саховат тадбирларини уюштиришда ҳам фаоллик кўрсатиб келишмоқда, – дейди **Қизилқум туман Фермерлар кенгаши раиси Н.Сатторов**.

– Албатта, бу Ўзбекистонда мазкур соҳага давлат даражасида қаратилаётган юксак эътибор намунасидир. Бир сўз билан айтганда, бугунги депутат-фермерларимиз аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, аҳолининг яшаш, турмуш даражасини яхшилашда ҳам фаол иштирок этмоқда. Биргина Сафар Мамаюсупов томонидан амалга оширилаётган савобли ишлар фикримизни тасдиқлайди. Унинг ташаббуси билан ташкил этилган “МС-Маржон” савдо-ишлаб чиқариш қорхонаси таркибида дорихона, тиббий соғламлаштириш муассасаси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритмоқда. Яна бир ибратли томони депутат келгусида туманимизда “Дентамедил” заводини ишга туширишни режалаштирган.



Матълумки, яқинда қучга қирган **“Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонۇни** билан парламент назоратининг субъектлари ва объекти, парламент назоратининг шакллари ва бу борадаги муҳим вазифалар аниқ белгилан қўйилди.

Қонун парламент, унинг қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партияларнинг фракциялари, депутатлар ва сенаторлар томонидан назорат олиб борилишини назарда тутса-да, **халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партияимиз депутатлик гуруҳларининг ўшбу қонун талабларидан келиб чиқадиган вазифалари, парламент назорати субъекти бўлган партияимиз фракциясининг маҳаллий депутатларимиз билан ҳамкорлигини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.**

Шу маънода O‘zLiDeP депутатлик гуруҳларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини қўлаб-қувватлаш асосида аграр соҳани янада тараққий эттириш, ҳудудларни социал-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси устидан депутатлик назоратини олиб бориш борасида яхшигина тажриба шаклландиғини қайд этиш жоиз. Бундай ижобий ишларни, юқоридa таъкидлаганимиздек, Сурхондарё вилоятдаги депутатларимиз фаолияти мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Лекин депутатлик гуруҳларимиз фаолиятига танқидий кўз билан қараб, уларнинг ишини янада такомиллаштириш долзарб вазифадир. Зеро, Сурхондарёда ҳам айрим

НАТИЖАДАН ҚОНИҚҚАН ТЎХТАБ ҚОЛАДИ

– Жойларда қўлай ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўлаб-қувватлаш, уларнинг ривожига ҳалакит бераётган тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қонунлар, давлат ҳужжатлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳалар ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини олиб боришда фаолликни янада кучайтиришимиз зарур, – дейди **Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, “Меҳрож ШКХ” улгуржи савдо ишлаб чиқариш қорхонаси раҳбари Қурбон Шуқуров**. – Қўлай инвестицион муҳитни шакллантириш орқали иқтисодиётга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаш юзасидан муттасадди раҳбарлар масъулиятини ошириш ҳам бизга боғлиқ, деб ўйлайман. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида жорий йилдаги инвестицион лойиҳаларнинг вилоятдаги ижроси бўйича Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи С.Ҳолиқовнинг ҳисоботи эшитилгани ана шу йўналишдаги интилишларимиз самарасидир.

2015 йилда “Энг яхши депутат” кўрик танловининг “Ташаббускор депутат” номинациясида 2-ўрини эгаллаган Қурбон Шуқуров 2002 йилдан буён улгуржи савдо-ишлаб чиқариш қорхонасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу ерда 51 киши мунтазам иш билан таъминланган бўлиб, асосан боғдорчилик, тайёр ва ярим тайёр ҳолдаги қийим-кечак, конвейер усулидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Эндиликда мева-қайта ишлаш цехини қуриш лойиҳаси бўйича ҳам иш олиб бориляпти. Партия гоёларини кенг тарғиб қилиш натижасида қорхонада 2012 йилда O‘zLiDeP қўйи тузилмаси ташкил этилган. Бугунги кунда қорхонанинг 41 нафар ходими ана шу БПТ атрофида бирлашган.

депутатлик гуруҳлари фаолиятида ҳамон сусткашлик кўзга ташланаётганлиги, баъзи депутатларимизда ишжаоат етишмаётганлигини инкор этиб бўлмайди.

Депутатлик гуруҳларининг ҳаракатини мувофиқлаштириш, O‘zLiDeP юқори органи томонидан қабул қилинаётган қарорларни уларга ўз вақтида етказиш, фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш, гуруҳ ўз ваколатларини амалга ошириш учун ахборот-таҳлилий, ташкилий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш борасида маҳаллий партия кенгашлари фаолиятини ҳам қониқарли, деб бўлмайди.

Шуларни инобатга олган ҳолда O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг фаолиятини кучайтиришга доир чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мазкур дастурда депутатлик гуруҳларнинг назорат-таҳлил фаолияти бўйича мониторинг олиб бориш, “қўйидан – юқорига” механизмни такомиллаштирган ҳолда уни амалиётга янада кенгроқ жорий этиш, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар ва парламентдаги фракцияимиз аъзоларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш назарда тутилган. Бинобарин, сурхондарёлик сафдошларимиз ҳам эришилган натижалардан қониқмасдан, янги-янги марралар сари илдамроқ интилиш талаб этилади.

Саҳифани O‘zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши матбуотлари асосида
Озод РАҲАБОВ тайёрлади.

ҒУРУР ВА САДОҚАТ САРЧАШМАСИ



Россия Федерациясининг Новосибирск шаҳрида ташкил этилган баҳсларда Шохсанам Нормунинова олтин, Санкт-Петербургдаги "Северная-пальмира" кубогига Азиза Мирзаева бронза медалига сазовор бўлди. Хуллас, қашқадарёлик қизлар орасида спортнинг нафис тури йил сайин оммалашмоқда. Бадий гимнастика билан 2004 йилда воҳада бор-йўти 45 нафар қиз мослаштирилган залларда шугулланган бўлса, бугунги кунда 6525 қиз барча талабларга жавоб берадиган замонавий иншоотларда машғул олиб бормоқда.

Маҳаллий ёшлар, айниқса, қизлар ўртасида бошқа спорт турлари бўйича ҳам чемпионлар сафи кенгайиб бораётган. Мисол учун, астойдил интиллилар туфайли сузиш бўйича Фотима Амилова 15-Паралимпия, Раъно Аманова Олимпия лицензиясига эга бўлди. Ўзбек жанг санъати бўйича Жанубий Кореяда ўтказилган халқаро турнирда 10 ёшли Мағзона Қудратова биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

...Бундан 14 йил муқаддам ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида бадий гимнастика бўйича Қашқадарё вилоят жамоаси қатнаша олмаган эди. Чунки рақиблар билан баҳслаша оладиган гимнастларнинг ўзи йўқ эди ўшанда. Энди-чи, воҳа қизлари нафақат республика миқёсида, балки халқаро турнирларда ҳам муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда. Вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Луиза Ғаниева Россия, Греция, Францияда ўтказилган нуфузли мусобақаларда ғолиблар қаторидан жой олди. Натижада Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ларда виллоятда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 190 та замонавий спорт мажмуаси, 19 та мусика ва санъат мактаблари, жами 209 та янги иншоот қурилди, капитал реконструкция қилинди ва таъмирланди. Бунинг учун 70 млрд. 743 млн. сўм маблағ сарфланди. 8 млрд. 548 млн. сўмлик спорт жиҳозлари келтирилди. Спорт мажмуалари ва залларининг 96,1 фоизи қишлоқ жойларида барпо этилганлиги ҳам воҳанинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган болаларни спорт тўғралакларига жалб этишга асосий эътибор қаратилганлигидан далолат беради. Бугун 3910 та спорт иншоотида 133 788 нафар ёшлар спортнинг ўнлаб турлари билан мунтазам шугулланмоқда.

Спортчининг тобланиши ва ижобий натижаларни қўлга киритиши замирида устоз-мураббийнинг машаққатли меҳнатлари мужассам. Шу маънода, виллоятда мураббийлар малакасини оширишга катта эътибор берилаётганлиги ҳам янги-янгича чемпионлар қавфатида машҳур воҳамиз ёшлари бундай ғамхўрликка жавобан ўзларининг ниямларига қодир эканликларини намойён этмоқдалар.

Ўтган уч йили давомида спорт билан шугулланаётган 6-18 ёшдаги 88 486 нафар, жорий йилда эса 15556 нафар қизга спорт кийимлари тантанали равишда топширилди. 2003-2015 йил-

лиш олиб борилмоқда. Мактаблардаги жисмоний тарбия ўқитувчиларининг кўпчилиги эркаклар эканлигини ҳисобга олган ҳолда коллежларни битирган қизларни қайта ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Ғурур ва садоқат сарчашмаси саналган спорт соҳасида эришилаётган ютуқларга виллоятнинг исталган ҳудуди мисолида далиллар келтириш мумкин. Масалан, азалдан полвонлари билан машҳур бўлган Косон туманининг Гуваляк қишлоғида бунёд этилган мажмуада айни пайтда 600 дан ортқ бола спортнинг ўндан ортқ тури билан шугулланишяпти. Кувонч-

МУСТАҚИЛЛИК

25 йил

лиси, қизлар орасида самбо бўйича чемпионликка эришганлари ҳам бор. Бу ерда жаҳон андозаларга жавоб берадиган бадий гимнастика зали фаолият кўрсатаёпти.

— Ёш авлоднинг қатъиятли, она Ватанга содиқ инсон бўлиб улғайишида спортнинг ўрни бекиёс, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё филиали ижрочи директори Сирожиiddин Азизов. — Ўзбекистонда соғлом ва баркамол, мард ва жасур ёшларни тарбиялаб вояга етказиш учун кенг қўлланма ишлар амалга ошириляпти. Бугун нафақат виллоят маркази, балки чекка туманларда қуриб фойдаланишга топширилаётган енгил атлетика манежлари навқирон авлод ихтиёрига бериляпти. Бир сўз билан айтганда, биз барча йигит-қизларимизни жисмоний тарбияга жалб этиш, улар орасидан истеъдодли спортчиларни аниқлаш, рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

— Қишлоқларда жойлашган спорт комплексларида "Маҳалламиз паҳлавонлари", "Ёш оилалар" турнирлари ва

спортнинг кўпгина турлари бўйича ҳар хил мусобақалар ташкил этиш яхши анъананага айланган, — дейди О'zLiDeP фаоли Шўхрат Боймуродов. — Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан узлуксиз шугуллантиришга қаратилган тадбирлар эса юқори савияда ташкил этиляпти.

Эндиликда виллоятда қизлар спортнинг сузиш, бадий гимнастика, шахмат-шашка, енгил атлетика, теннис, футбол, баскетбол каби турлари билан шугулланишлари учун барча шароит муҳайё этилган. Кўп мартаба футбол бўйича мамлакатимиз чемпиони, халқаро турнирлар ғолиби "Севинч" футбол клуби қизлари ҳам ижобий натижаларни қўлга киритиб келишмоқда. Буни Ўзбекистон миллий терма жамоасида мазкур клубнинг 18 нафар тарбияланувчиси тўп сураётганидан ҳам билиш мумкин. Клуб қошидаги секцияда 4 нафар хотин-қиз мураббий 125 нафар 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган қизларга футбол сирларини ўргатишяпти.

Айтишларича, спортга бўлган меҳр — ҳаётга, она Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқатни шакллантираётган экан. Истиқболга эришганимизга 25 йил тўлаяпти. Тарих учун жуда қисқа фурсат бўлган шу давр ичида жисмоний тарбия ва спорт миллий мустақиллигимиз гоёларининг таркибий қисми сифатида шаклланди. Бу вақт оралиғида Ўзбекистонни дунёга танитадиган минглаб умидли ёшлар етишиб чиққанлиги айни ҳақиқатдир. Зеро, спорт навқирон авлоднинг иродаси, мақсадада интилиш туйғусини мустаҳкамлаб, қийинчиликларни сабот билан енгишга ўргатмоқда. Мустақиллик берган шугўҳнинг қалбдаги инъикоси аслида шу-да!

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири
ЎЗА суратлари



ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

Илмий-амалий анжуман

Тадбирда "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" гоёсини жамиятда қарор топтиришда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ушбу соҳаларда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларини ОАВда мунтазам, тизимли ва кенг ёритишга қаратилган ишлар муҳокама этилди.

Анжуманда тингланган маърузалар Давлат дастури моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кенг қамровлиги билан аҳамиятли бўлди. Хусусан,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Мавлуда Ходжаева ўз чиқишида Давлат дастури доирасида амалга оширилиши режалаштирилган она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга оид қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, бу борада ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилган янги қонда ва метёрлар ишлаб чиқишига тааллуқли ишлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, сўзга чиққанлар оналар ва болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва ижтимоий жиҳатдан

Пойтахтимиздаги "Халқаро бизнес маркази"да Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга оширишда ОАВнинг роли ва ўрни мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

қўллаб-қувватлаш, миллий кадриятларни асраб-авайлаш, жамиятда юксак ахлоқий муҳитни қарор топтириш, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ўртасида дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда бу жараёнларни ёритишда ОАВ ходимларининг касбий билим ва қўникмаларини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумотлар беришди.

Аслиддин АЛИМАРДОНОВ,
"XXI asr" мухбири

О'zLiDeP Сайловолди дастурида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш каби масалаларга алоҳида урғу берилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлашга Сирдарё виллоятида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ўтган йили Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими кўмағида ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларга "Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оиллага" лойиҳаси доирасида банклар томонидан 180,8 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

О'zLiDeP Сайхунбод туман Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган "Оилавий тадбиркорлик — аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омил" мавзусидаги семинарда шулар ҳусусида сўз борди.

— Тадбиркорлиқнинг бу тури билан шугулланиш оила фаровонлигини таъминлайди, — деди Халқ депутатлар

Партиявий лойиҳалар — Сайхунбодда

ри туман Кенгаши депутати, тадбиркор Ш. Шаматова — Энг муҳими, уй бекалари ўз касб-хунаралари орқали оиласи даромадида даромад қўшади. Бизнеснинг мазкур турини ривожлантириш маҳаллаларда, айниқса, чекка ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш баробарида мамлакат иқтисодиётини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Семинарда иштирокчиларнинг бизнес-режалари тақдироти ўтказилди ва лойиҳанинг виллоят босқичида иштирок этиш учун энг маъқуллари

саралаб олинди. Унга кўра, Дилноза Бакирова ҳамда Ҳилола Эркабоеваларнинг чорвачиликни ривожлантириш, Муштарий Юсупова, Дилноза Ҳайдарова, Мавлуда Ғофурова, Иштибор Пулатовларнинг чеварчилик фаолияти, Шоира Шаматованинг пишиқ гишт ишлаб чиқариш заводи фаолиятини кенгайтириш учун тайёрлаган бизнес-режалари танловнинг виллоят босқичига тавсия этилди.

О'zLiDeP Сирдарё виллоят Кенгаши матбуот хизмати

Тўқсонга тўлган бобо ўғити

Марғилон шаҳридаги Шолдирама МФЙда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Фозилжон ота Муҳсинов неварачеваралар ардоғида фаровон ҳаёт кечираётган нуронийлардан биридир.

— Юртбошимиз томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрликдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди Фозилжон ота. — Шу кунларга етказганига шукр. Ҳар доим меҳр ва эътиборни ҳис этмоқдамиз. Маҳалламиз фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари тез-тез ҳолимиздан хабар олишмоқда. Улар билан мамлакатимиздаги улкан ўзгаришлар ҳақида дилдан

суҳбатлашамиз. Биз ҳаётда кўп машаққатларни бошдан кечирганимиз учун ёшларга насиҳат қилганда "Бугунги куннинг, тинчликнинг қадрига етинлар, элга муносиб фарзанд бўлинлар" дея ўқирамиз. Бу йил 90 ёшга тўлдим. Умримнинг 25 йили мустақиллик даврида ўтганидан хурсандман.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

Муносиблар тақдирланди

Маълумки, қайси партия жойларда гоёвий-сиёсий ишларни давр талаблари даражасида ташкил эта олса, унинг дастурий мақсадларини қўллаб-қувватловчилар сони ортади, нуфузи янада яхшиланади. Шу маънода О'zLiDeP томонидан қўйи ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги фаолиятини ошириш, партия гоёларини аҳоли, жумладан, электрот ўртасида таъсирчан ташвиқот қилувчи малакали тарғиботчилар сафини янада кенгайтиришга алоҳида аҳамият қаратиляпти.

Қашқадарёда ўтказилган "Энг фаол либерал гоёлар тарғиботчиси" тақдимот-танловни ҳаққонлик билан таърифлаш мумкин. Танловни ташкил қилган О'zLiDeP виллоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Арзикул Шеровнинг қайд этишича, бу каби тадбирлар партия фаолларини кўпроқ изланишга, янги ташаббуслар билан чиқишга ундайди. Танлов низомига мувофиқ, иштирокчиларнинг маҳорати, билим ва қўникмаларини баҳолаш чоғида уларнинг замонавий тарғибот



услулари ва PR технологиялардан қай тариха фойдалана олишлари, марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари, жисмоний тарбия ва спортга қизиқишларига эътибор қаратилди. Зеро, фаол тарғиботчиларгина аҳолининг турли қатламлари, айниқса,

ёшлар онгига давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати мазмун-моҳиятини, сиёсий партиялар дастурий максалларини чуқурроқ сингдира оладилар.

Ғолибларни аниқлашда, шунингдек, иштирокчилар дунёқарашининг мафқуравий жиҳатдан мустаҳкамлиги, сиёсий билимдонлиги, умумбашарий ва миллий қадриятларни яхши ўзлаштирганлиги, амалга оширган лойиҳалари каби жиҳатлар ҳам инобатга олинди.

Ҳакамлар хайъати қарорига кўра, Қарши тиббиёт коллежи ўқитувчиси Сурайё Ўринова биринчи, Қарши туманидаги БПТ етакчиси Асрор Турсунов иккинчи, Халқ депутатлари Муборак туман Кенгаши депутати Панжир Жалилов учинчи ўринга муносиб топилиб, ғолиблар танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Юксак савияда ташкил этилган тақдимот-танлов иштирокчилари партия дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Либерализм тарғиботчилари

О'zLiDeP Самарқанд виллоят Кенгаши томонидан ҳам "Энг фаол либерал гоёлар тарғиботчиси" тақдимот-танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

Унда иштирокчилар билим ва салоҳиятини намойиш этишди. Ғолибликка номзодлар ҳакамлар хайъати томонидан баҳоланди. Жумладан, Самарқанд шаҳридан партия "Ёшлар қаноти" фаоли Сирожиiddин Халилов биринчи, О'zLiDeP Самарқанд туман Кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Гавҳар Турсунова иккинчи, Оқдарё туманидан партия фаоли Дилфуза Мамадиёрова учинчи ўринга лойиқ, деб топилди. Энди улар пойтахтга

йўл олиб, мазкур тақдимот-танловнинг республика босқичида иштирок этишад.

Диққатга молик жиҳати, танловнинг ҳеч қайси иштирокчиси ташкилотчилар эътиборидан четда қолмади. Уларга ҳам махсус номинациялар бўйича диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

"XXI asr" мухбирлари
хабарлари асосида тайёрланди.

САВОЛ БЕРИНГ – ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Савол:

Музқаймоқни ёзнинг иссиқ кунларида болалар ҳам, катталар ҳам кўп истеъмол қилишади. Бир қарашда уларнинг ҳаммаси сифатли, мазалидек кўринади. Аслида ҳам шундайми? Уни харид қилишда нималарга эътибор бериш зарур?

Л.Нормуродова, талаба
(Тошкент шаҳри)

Жавоб:

Музқаймоқлар О'zDSt 961 давлат стандарти асосида ишлаб чиқарилиб, улар сутли, сариеғли, қаймоқли, мевали каби турларга бўлинади. Кейинги вақтларда сариеғ ҳамда қаймоқнинг ўрнига пальма, кокос ёғларини ишлатиш ҳолатлари учраб турибди. Аслида метёрий ҳужжат бўйича музқаймоқ тайёрлашда кокос ва пальма ёғларини маълум миқдордагина қўллаш мумкин. Лекин сариеғ, қаймоқ ўрнига бутунлай алмаштириш мумкин эмас. Шуларни эътиборга олган ҳолда сизга таркибида сариеғ, қаймоқ бўлган музқаймоқни харид қилишингизни тавсия этамиз.

Васила АБДУЛЛАЕВА,
"Тошкент шаҳар сино ва
сертификатлаштириш маркази"
давлат корхонаси бўлими бошлиғи

Бошлангич партия ташкилотларида

“XXI asr” 20 (652)-son, 2016-yil 19-may, payshanba



O'zLiDeP Qiziltepa tuman Kengashi 52 ta BPT faoliyatini muvofiqlashtirayapti. Boшлангич ташкилотлар эса 1445 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Қўйи бўғинлар электоратимиз вакилларининг ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-сиёсий, маънавий-маърифий саводхонлигини ошириш, турли ташвиқот-тарғибот тадбирларини ўтказишда партия туман ташкилотига чинакам таянч бўлмоқда.



Партия туман бўлимининг БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультанти Сарвиноз Холматованинг айтишича, кучли демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги кенг қамровли ислохотлар жараёнида ғоявий-сиёсий тадбирлар самарадорлигини ошириб бориш тақозо этилади. Зеро, фуқароларнинг сиёсий тафаккури ривожлангани, фаоллиги кучайгани сайин, уларнинг мазмундор, ҳар томонлама мукамал мулоқотларга эҳтиёжи ҳам тобора ошиб бораверади. Партиялараро рақобат шариоитида туман Кенгаши ҳамда қўйи тузилмалар фаолиятини ташкил этишда ана шу жиҳатда янада кўпроқ урғу бериш талаб этилмоқда. Жорий йилнинг февраль-апрель ойларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида иштирок этган маслақдошларимиз томонидан бу борада ҳам бир қанча тақдирлар ўртага ташланди. Сафдошларимиз либерал-демократик ғояларни тарғиб қилиш, электорат манфаатларини

САФДОШЛАР КЎПАЙСА

партия салоҳияти ва мавқеи юксалади

ҳимоялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудудларда аҳоли, айниқса, коллеж битирувчилари учун қулай ишбилармонлик муҳити ва янги иш ўринларини яратиш, мулкдорлар синфи вакиллари ва партия тарафдорларини кўпайтириш билан боғлиқ ишларда фаоллигини янада кучайтириш лозим, деб ҳисоблашмоқда.

Ҳисобот-сайловларда БПТ раисларининг ўтган йилги фаолияти юзасидан сарҳисоб маърузалари тингланиб, атрофлича муҳокама этилиши баробарида 2016 йилги иш режалари ҳам бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқилди. Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вази́рлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган долзарб партиявий ва-зифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Қайд этиш керакки, йиғилишларда 9 та бошлангич ташкилотга янги етакчилар сайланди. Бугун тумандаги

таянч тузилмаларнинг деярли ярмини 35 ёшгача бўлган маслақдошлар бошқармоқда. Муҳим партиявий тадбирга тайёргарлик жараёнида амалга оширилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида тумандаги сафдошларимиз сони 203 нафарга кўпайди. Шунингдек, 6 та янги бошлангич ташкилот фаолият бошлади. Улардан бирига иқтидорли ёш тадбиркор Жаҳонгир Тошпўлатов раҳбарлик қилмоқда.

– Бугунги кунда ёшларнинг касб-хунар эгалла-

шариоитида маҳалладаги ташаббускор, ишчан аъзолардан иборат БПТ ташкил этдик. Нафақат ижтимоий-сиёсий, балки тадбиркорлик фаолиятида ҳам кетма-кет муваффақиятларга эришяпмиз. Мижозларнинг тақлиф ва алоҳида буюртмалари асосида янги дизайн асосидаги нақшинкор ганчкорлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. 300 турдан ортиқ ганч ва фибробетон маҳсулотларимиз хариддорларга манзур бўлмоқда.

Дарҳақиқат, навқирон сафдошимиз Ж. Тошпўлатов учун “Соғлом она ва бола йили” самарали кечмоқда. Республика “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлган маслақдошимиз тажрибали хунармандларнинг махсулот ишлаб чиқариш, маркетинг билан шугулланиш, бозор конъюктурасини ўзлаштириш тажрибаси билан танишди. Шу тариқа, халқона айтганда, у катта йўлга чиқиб олди.

“Ташаббус – 2016” кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этгани эса унинг янги орзуларига қанот бағишлади.

– Танлов жараёнида республикамизнинг турли вилоятларидан келган, маҳаллий ҳомашдан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарётган хунармандлар билан танишдим, – дейди суҳбатдошимиз. – Банкдан кредит олиб, хорик технологияси асосида пенопластдан қурилиш-пардоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этмоқчи-ман. Ҳамкорлар билан келишувга кўра, маҳсулотимизнинг асосий қисmini экспортга йўналтиришни мўлжаллаб турибмиз. Режалар амалга ошса, яна 10 та иш ўрни яратилади. Ҳаммаслақлар сони ҳам ортади, албатта.

Биргаликда меҳнат қилаётган маслақдошлар – 2015 йилда коллежни битирган укаси Муроджон ва жияни Омон Файзиевлар партияимизнинг “Диплом билан – бизнесга” лойиҳасида иштирок этиб, банкдан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини кўлга киритишди. Ҳозирда мустақил равишда ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасида туришибди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, сиёсий куч сафлари Жаҳонгир Тошпўлатов сингари либерал-демократик ғояларга садоқатли ёш тадбиркорлар ҳисобига кенгайишда давом этаркан, партиянинг куч-қудрати, салоҳияти ҳам ошиб бораверади.

Мансур АСЛОНОВ,
“XXI asr” мухбири

Таянч тузилмаларнинг таъсир кучи

O'zLiDeP Наманган вилоят Кенгаши таркибидаги 809 та бошлангич партия ташкилотига бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида 13 минг 668 нафар партия аъзоси иштирок этди.

– Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбирларда ҳисобот давридаги фаолият танқидий-таҳлилий мезонлар асосида ўрганилди, – дейди O'zLiDeP вилоят Кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Эркинжон Аҳмедов. – Аксарият таянч нуқталарнинг партия дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб этишда муваффақиятга эришганини қайд этиш жоиз.

Наманган шаҳридаги 102 та қўйи бўғинда ҳам ҳисобот-сайловлар юқори савияда ўтди. Партия шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Соҳибхон Ғафорованинг айтишича, эришилган ютуқлар эътироф этилиб, асосий эътибор келгусидаги долзарб вазифаларни белгилаб олишга қаратилди. Жумладан, 3-оилавий поликлиникада иш юритаётган БПТ йиғилишида кун тартибидан ўрин олган тўртта масала атрофлича муҳокама қилинди.

– Ўтган йилнинг биринчи чорагида муассасамизда 70 нафар O'zLiDeP аъзоси бор эди. Ҳозир уларнинг сони 85 нафарга етди, – дейди поликлиника бош шифокори, таянч тузилма етакчиси Шокиржон Хайдаров. – Давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказяпмиз. 2015 йили “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури бўйича ҳудудимиздаги “Меҳрибонлик”, “Заркент”, “Исоқ чўян” каби маҳаллаларда қатор тадбирларни амалга оширдик. Нурунийларни тиббий кўриқдан ўтказиб, уларни соғломлаштириш чораларини кўрдик. Бундан ташқари, маҳаллалардаги тарғибот ишларида Президентимизнинг Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессия-

сидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни, вилоят саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича 2016-2019 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг аҳамиятини атрофлича тушутирдик.

Наманган туманидаги “NamMotorServis” маъсулияти чекланган жамияти бошлангич ташкилотига тадбиркор Бахтиёр Бекмирзаев раҳбарлик қилмоқда. Ёшлиқидан токарликка, техникаларни таъмирлашга қизиққан Бахтиёр 1996 йилда Наманган муҳандислик иқтисодиёт институтининг менежмент-фи факультетида ўқишга кирди. Олий таълим муассасида тажрибали устозлардан бозор иқтисодиёти илмини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш талабларини ўргана бошлади.

Навқирон ёшда эмасми, орзу-истаклари жўш урди. Ўша йилларда хусусий тадбиркор сифатида иш бошлади. Назарий билимлар ва амалиёт бирлашиб, уни яна янги режаларга ундади. 2007 йилда “NamMotorServis” МЧЖни тузди. Дастлабки йилларда бор-йўғи уч киши билан иш бошлаган кичик корхона бутунги кунга келиб 45 кишидан иборат катта жамоага айланди. Ишчиларнинг 4 нафари Наманган саноат касб-хунар коллежини тамомлаган ёшлардир.

– Муваффақиятларга эришишда бошлангич ташкилотимизнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда, – дейди Б. Бекмирзаев. – Айниқса, партия аъзоларидан Ҳабибулло Валиев, Абдулазиз Абдуқаюмов, Шухрат Мавлонов, Акрам Аҳмедов, Орифхон Саидовлар меҳнатсеварлиги, жонбозлиги, фидойилиги би-

лан кўпларга ўрнак бўлишар-ётир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида қўйи тузилмаларнинг депутатлар билан ҳамкорлиги масаласига жиддий эътибор қаратилди. Бу борада, айниқса, Наманган шаҳри, Учқўрғон, Янғиқўрғон, Тўрақўрғон, Наманган, Поп туманларидаги БПТлар муайян тажрибага эга.

– Туманамизда 52 та бошлангич ташкилот бўлиб, улар 1066 нафар маслақдошнинг бирлаштирилган, – дейди O'zLiDeP Чортоқ туман Кенгашининг БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультанти Улутбек Отахонов. – Партия ғояларини тарғиб этишда, хайрихоҳлар сафини кенгайтиришда уларнинг роли катта. Чунки БПТлар электорат вакиллари билан бевосита иш олиб боради, уларнинг ютуқ ва муаммоларини яхши билишади. Шунинг учун ҳисобот-сайлов йиғилишларида электорат манфаатларига оид масалаларни депутатлар, депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда кўриб чиқиш, доимий комиссиялар, сессиялар муҳокамага киритишда қўйи бўғинларнинг ташаббускорлигини ошириш ҳақида тақлиф-мулоҳазалар билдирилди, шу асосда режалар ишлаб чиқилди.

Худудда ҳисобот-сайлов йиғилишларининг талаб даражасида ўтганини яна шунда кўринадики, уларда камчиликларга йўл қўйган, ташаббус ва ташкилотчилик кўрсата олмаган 12 нафар таянч бўғин раиси ўз вазифасига нолайик, деб топилди ва уларнинг ўрнига иқтидорли, ишчан етакчилар сайланди.

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
O'zLiDeP Наманган вилоят
Кенгаши матбуот хизмати

Бухоро шаҳрида “Саломатлик маскани” шифохонаси барпо этилганига 15 йилдан ошди. Бу ерда асосан стоматология, жарроҳлик, ортопедия, терапия, педиатрия, офтальмология, отоларингология, гинекология бўйича диагностика, маслаҳат ва даволаш ишлари, муолажалар амалга оширилмоқда. Озиқ-овқат ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари ҳодимларини тиббий кўриқдан ўтказиш ҳам йўлга қўйилган. Эътиборлиси, уруш қатнашчилари, фронт орти фахрийларига бепул хизмат кўрсатилаяпти. Муассасада нафақат бухоролик, балки Навоий, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидан келган беморларни ҳам кўриш мумкин.

Маслақдошлар ишончи фаолликка ундамоқда



– Тиббий хизматларнинг тобора такомиллашяётганини хусусий тадбиркорлигининг мазкур соҳага жадал кириб келаётгани билан изоҳлаш мумкин, – дейди шифохона раҳбари, партия Бухоро шаҳар Кенгаши раиси Жонибек Матниёзов. – Президентимизнинг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори биз учун асосий дастуриламалдир. Мамлакатимизда 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинганлиги эса зиммамизга янада жиддийроқ вазифаларни юкледи.

партия вазифалари ижросини таъминлаш, сафдошлар сонини кўпайтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашишда қўйи бўғин фаолларининг ҳиссаси сезиларли бўлаётир.

“Соғлом оиладан – мустаҳкам оилга” шиори остида ўтган йили партия вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” билан ҳамкорликда “Саломатлик маскани”да ташкил-

лаштирилган бепул тиббий кўрик давомида Бухоро шаҳрида истикомат қилувчи муҳтож кишилардан 1000 нафардан зиёди мутахассислар қабулида бўлиб, тегишли маслаҳат ва муолажалар олишди. Шифокорлар нафақат дори-дармонлар, балки ширин муомала билан ҳам даволаб, одамларнинг ҳурматини қозонишяпти.

БПТ аъзолари ўз етакчилари – олий тоифали шифокор Дилором Сатторовара раҳбарлигида шаҳар миқёсида ўтказилаётган турли партиявий тадбирлар – давра суҳбатлари ва семинар машғулотларида иштирок этиб, билим ва маҳоратларини тобора ошириб боришяпти. БПТ эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмай,

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда O'zLiDeP шаҳар ташкилоти билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳаракатида.

Қисқаси, мазкур бошлангич ташкилот шаҳарда фаолият олиб бораётган 60 та қўйи ташкилот ичида энг пешқадамлардан бири. Таянч тузилма сайъ-ҳаракатлари туфайли юқори партия органларининг қарор ва фармойишлари ижроси ўз вақтида таъминланмоқда. Чунончи, Абдулхалик Гиждувоний, Мустақиллик, Баҳоуддин Накшбанд кўчалари, шунингдек, учинчи, тўртинчи ва олтинчи МФЙларда истикомат қилувчи юртдошларимиз партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлардан яхши хабардор. Шуни ҳам айтиш керакки, БПТ хонаси бутунги кун талаблари даражасида жиҳозланган.

Баён этилган омилларнинг ҳаммаси партиявий фаолият самарадорлигини таъминлаяпти. Яқинда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида кўлга киритилган муваффақиятлар алоҳида қайд этилди. Тадбирда БПТ етакчиси Дилором Сатторовага яна ишонч билдирилди ва у қўйи бўғин раислигига қайта сайланди.

– Шаҳардаги бошлангич ташкилотларда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларида 39 нафар етакчи қайта сайланди, – дейди партия Бухоро шаҳар кенгаши БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультанти Зарифа Сафарова. – Билдирилган ишонч қўйи бўғинлар етакчиларини янада фаолроқ иш олиб бориш, партиявий воясатлар, куч ва имкониятларни тўла ишга солишга ундамоқда.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири.

Давлатни бошқариш, жамиятда шаклланаётган қарашларга таъсир ўтказиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширишда, юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашда, миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашиш, шунингдек, ёшларни миллий ғояга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўз элим, ўз юртим, жон Ўзбекистоним, деб ғурурланиб яшаш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, ҳар қандай шариоитда мустақиллик йўлини, қадриятлар, миллий ва диний анъаналар ва урф-одатларни қадрлаш баробарида, барча миллат ва элатлар қадриятларини қамситишга йўл қўймаслик, бундай ҳуружларга қарши кураш олиб бориш Партиянинг асосий мақсадларидан биридир.

O'zLiDeP Уставидан

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Навоий вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови юксак савияда ўтказилмоқда.

МУҚОБИЛЛИК ВА ОШКОРАЛИК — МУҲИМ ОМИЛ

Айни пайтга қадар вилоятдаги 19 фуқаролар йиғинида раислар ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Навбаҳор туманидаги "Меҳнат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ҳам очиклик, ошкоралик ва муқобиллик асосида ўтказилди.

— Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институтининг нуфузини янада юксалтириш, унинг вазифа ва ваколатлари доирасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш

ва уни ўтказиш бўйича вилоят штаби раҳбари Санжар Туробов. — Раис ва унинг маслаҳатчилари лавозимига катта ҳаётий тажрибага эга, ташаббускор ва аҳолининг ҳурмат-ишончига сазовор бўлган муносиб номзодлар сайланмоқда.

"Меҳнат" маҳалла фуқаролар йиғини раислигига 3 нафар номзод орасидан Бекмурод Тошев сайланди. Муқобиллик асосида маслаҳатчилар лавозимига кўрсатилган 18 номзод орасидан 9 нафари очик овоз бериш йўли билан сайланди.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗАМУХБИРИ

18 май — Халқаро музейлар куни

ЎТМИШДАН СЎЗЛОВЧИ МАСКАНЛАР

Музейлар тарихдан дарак берувчи олтин мерос саналади. Мамлакатимизда истиқлол йилларида ушбу маданий муассасалар фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, уларни янги топилмалар билан бойитиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мисол учун, Ўзбекистон давлат табиат музейини олайлик. Марказий Осиёнинг дастлабки йирик илмий-маърифий масканларидан бири 1876 йилда табиатшунослик, антропология ва этнографияга қизиқувчилар ташаббуси билан ташкил этилган.

1963 йилга қадар турли муассислар тасарруфида бўлган музей Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ихтиёрига

ўтказилди ва "Ўзбекистон давлат табиат музейи" деб юритилиш бошланди. Шу даврдан бошлаб музей ходимлари асосий диққат-эътиборини илмий-маърифий ва маданий оммавий чора-тадбирлар кўламини кенгайтиришга қаратиб келмоқда.

Бугунги кунда мазкур музей ўз ихлосмандларига ноёб маълумотлар бериб келмоқда. Хусусан, музей экспозициясидан қуёш тизимидаги сайёралар, геологик ўзгаришлар тарихи ва

ерда ҳаётнинг ривожланиши, палеонтология, сунъий ва табиий танланиш, генетик ва селекция асослари, Ўзбекистоннинг физик ва географик таснифи, қазилма бойликлари, табиий ландшафтлари, экологияси, табиий бойликлардан оқилонга фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби экспонатлар ўрин олган.

Шунингдек, музейда турон йўлбарси, гепард, қоллон, бура-

ма шохли эчки, турли хил қушлар ва ҳайвонларнинг тулумлари сақланмоқда. Ҳозирги кунда музей мутасаддилари томонидан ўлкамиз табиатини асраб-авайлаш, ҳайвонот олами ва атроф-муҳитни тоза ва озода сақлаш мақсадида илмий-амалий кўргазмалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу эса халқимизнинг экологик маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

ҲАКИМЖОН ШОДМОНОВ

МАЪМУРАНИНГ ОРЗУЛАРИ УШАЛЯПТИ

Юртимизда аёлларнинг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг салоҳияти ва иқтидорини тўла рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. O'zLiDeP сафарида ана шундай фидойи хотин-қизлар сони кўпайиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас.

Сирдарёлик ёш тadbirkor Маъмура Жамолова бир неча йил аввал "Само гавҳари" oilавий корхонасини очган эди. Гулистон шаҳридаги бу корхонада ҳозирги кунда 20 турдаги мебель, 30 хилдаги тикиш-бичиш, 2 турдаги синтефон ишлаб чиқарилмоқда. Oilавий корхона маҳсулотларининг йиллик даромади 150 млн.сўмни ташкил этади. М.Жамолова ёш бўлса-да ишнинг кўзини биладиган тadbirkor. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар ҳам сифатли, ҳам чўнтакбop. Шу боис бозори ҳамisha чаккон.

— "Само гавҳари" oilавий корхонаси фаолиятини ишга туширишга унчалик қийналганимиз йўқ, — дейди М. Жамолова. — Чунки O'zLiDeP вилoят Кенгаши "Аёллар қаноти" бўлими фаоллари қиёндан ёрдам кўрсатишди. Бунинг учун уларга ўз миннатдорчилигини билдираман. Партия ташаббуси билан ташкил этилган ўқув машғулотларида иштирок этиб, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликнинг ҳуқуқий асосларини ўргандик. Айниқса, банк, солиқ идоралари мутахассисларининг жўяли маслаҳатлари фаолиятимизни кенг йўлга қўйишда жуда қўл келмоқда. Жорий йилда "Аёллар қаноти"нинг "Oilавий тadbirkorликдан — мустаҳкам oilага" лoйиҳаси иштирокчиси сифатида 45 млн. сўмлик имтиёзли кредит олишга муvаффақ бўлдим.

Ёруғ орзуларни қўлаб ишлайётган Маъмура Жамолова 2015 йили Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган "Тadbirkor аёлнинг энг яхши лoйиҳаси" танловида иштирок этиб, 150 нафар иштирокчи орасида фахрли биринчи ўринни эгаллади. "Ташаб-

бус-2016" кўрик-танловининг вилoят босқичида учинчи ўрин соҳибаси бўлди.

— O'zLiDeP Дастурида аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, сиёсий билмлигини ошириш, соғлом авлоднинг тарбиялаб вояга етказишда хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамлаш масалаларига катта ўрин ажратилган, — дейди O'zLiDeP вилoят Кенгаши раиси ўринбосари Покиза Аҳмеджанова. — Ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, "Соғлом она ва бола йили"да фаолиятимизни янада кенгайтириш ва такомиллаштиришни кўзда тутганмиз. Айниқса, хотин-қизларнинг тadbirkorлик соҳасига кенг жалб этиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Натижада вилoятимиз шаҳар ва қишлоқларида Маъмура Жамоловадек тиниб-тинчимас тadbirkorлар кўпайиб, уларнинг иқтисодий соҳадаги мавқеи мустаҳкамланаяпти. Зеро, бугун амалга оширилаётган ислохотлар эртанги кунимиз учун мустаҳкам пойдевордир.

Демак, O'zLiDeP илгари сураётган ғоялар хотин-қизларимиз қалбига акс-садо бериб, уларни юрт фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштиришга даъват этаётди.

Наргиза ҚАҲҲОРОВА,
"XXI asr" мухбири



ОНАЛАРИНГ МАНГУ ҚЎШИҒИ

Аямларнинг бирор марта қўшиқ айтганлари ёки хирғойи қилганларини эшитмаганман. Доимо жиддий, теран фикрлайдиган онаизорим ҳамisha ўқиш-ўрганиш, изланиш ва меҳнат қилиш билан банд бўлганлар.

Айтишларича, уч ёшга кирганларидан оналаридан етим қилиб, она меҳрига қонмай, эркалаш ва ардоққа

зор бўлиб ўсганликлари учунми, яйраб қувонишу, қўшқлар айтиб завқланиш уларнинг табиатларига ёт бўлган.

Бор кучларини билим эгаллаш, яхши мутахассис бўлишга қаратганлари учун ўқимишли, зиёли инсон бўлиб етишганлар. Оғир-босиқ, мулоҳазали, бир оз маъносиз кизга совчилар кўп бўлган. Тақдир тақозоси билан турмушга чиққанлар. Йиллар ўтиб, тўрт фарзанд кўрганлар. Уларнинг ҳаётлари давомида илк бора қўйлаган қўшқлари эса алла бўлган.

Аям бу қўшиқни шундай жўшиб, берилиб, меҳр билан қуйлар эканларки, катта бўлганимизда ҳам улардан алла қўйлаб беришларини сўрар эканмиз.

Муҳаббатга, оналик бахти нашидасига йўғрилган бу қўшиқни қўйлаш жараёнида онам ўзларини чинакам бахтиёр ва хуррам ҳис этган бўлсалар керак. Ўзлари оналаридан кўрмай, бир умр ташна бўлганлари — оналикнинг жўшқин, қамровли ва бетизгин ҳис-туйғулари шу қўшиқда мужассам бўлган. Қўшиқнинг бор сеҳри, таъсир кучи эса бизнинг табиатимизга, завқу шууримизга кўчган.

Йиллар ўтди. Мен ҳам она бўлдим. Фарзандларимга ширин аллалар қўйлай бошладим. Менинг алламни эшитиб, онажоним ҳайрон қолдилар:

— Тавба, мен сизларга айтган аллаларни жуда ўхшатиб қўйла-

япсан. Оҳанги ҳам, сўзлари ҳам шунча йил хотиранда сақланиб қолганини қара-я, — дедилар ҳайратланиб.

— Бу қўшиқингиз йиллар давомида ҳамisha қўлғимда жаранглаб турган. Энди эса бу қўшиқ ўзимники бўлиб қолди. Алланинг ҳар бир сўзи меннинг оналик туйғуларимни ифодаляпти, — дедим.

Ҳа, рост. Бугун мен ҳам икки фарзанднинг онасиман. Болаларимга ҳам онам айтган, китоблардан ўрганган, қўлғимга чалинган аллаларни қўйлаб келдим. Илҳомланганимда, меҳрим товланганда ўзимдан ҳам бир нима-лар қўшган пайтларим бўлган.

Аллаларнинг болаларим ҳаётидаги ўрнини ўзим кузатиб келяпман. Фарзандларим қўшиқнинг сокин, оромбахш қуйи, эркаловчи, ардоқловчи сўзлари остида қанчалик мароқланганларини, жилмайганча, маза қилиб уйкуга кетишларини кўрганимда қувончим ичимга сигмай кетарди. Шундай пайтлар дунёда мендан бахтли одам йўқдай туюларди.

Ўйлайманки, дунёда алла айтишни билмайдиган она бўлмаса керак. Она борки, дунёда алла қўшиғи жаранглайверади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидеда талабаларга немис тилидан сабоқ берар эканман, мени Республика "Оила" илмий-амалий маркази қошидаги "Алла уйи"га тақлиф қилишди. Германиядан келтирилган алла китобчаларини тақдим этиб, шу тўпламдаги аллалардан қўйлаб Байнал-



милал алла қўшиқлари фестивалида иштирок этишга ундашди.

Аваллига бир оз чўчимди. Кейинчалик бу ишга ўзим ҳам қизиқиб қолдим. III Байналмилал алла қўшиқлари фестивалида немисча алла айтдим. То-мошабинларнинг гўлдурас қарсақлари, Ўзбекистонимизда яшаб турган немис маданий маркази вакилларининг олқишлари мени руҳлантириб юборди. Кейинги — IV Байналмилал алла қўшиқлари фестивалида ҳам немис, ҳам инглиз тилларидаги аллалар билан қатнашдим.

Ажабланирлиси шундаки, мен қўйлаган ўзбекча, русча, немисча, инглизча аллаларнинг руҳида, мусиқасидаги оҳангларда аллоқандай муштараклик бор эди. Қўшиқнинг ана шу хусусияти эътиборимни тортди. Кўп ўтмай, бутун ўй-хаёлимни банд эта бошлади. Устозлар билан маслаҳатлашиб, дастлабки изланшларни бошлаб юбордим.

Умида СУЛТОНОВА

АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛЯПТИ

▼ Реклама ўрнида

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу, шубҳасиз, банклар фаолияти билан чамбарчас bogлиқдир. Кейинги йилларда банкларнинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиб, уларнинг реал секторни кредитлаш имкониятлари тобора кенгаймоқда ҳамда банк хизматларининг сифати яхшилланмоқда. Хусусан, тижорат банкларини самарали бошқариш, уларнинг молиявий салоҳиятини ошириш борасида сезиларли натижаларга эришилаётганлиги диққатга молиқдир.

Маълумки, банклар тижорат муассасаси сифатида асосан четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобига фаолият юритади. Ушбу маблағлар нафақат ўз эгаларига тўлиғича қайтарилиши, балки улар ҳисобидан муайян молия муассасасининг фойдаси ҳам шакллантирилиши лозим. Бинобарин тижорат банклари учун сармоявий ресурслар алоҳида аҳамият касб этади.

Шу боис биз улардан ўз ўрнида фойдаланишга, мижозлар ишончини тўла оқлашга ҳаракат қилаёلمиз. Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Дастур ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорда белгиланган вазифалар зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Улар ижросини таъминлаш учун барча куч ва имкониятлардан фойдаланаялмиз. Натижада вилoят тижорат банкларининг ресурс базасини кенгайтириш ҳисобидан 2015 йилда депозитлар ҳажмини 26 фоиз оширишга эришилди.

Ликвидлик — банкларнинг молиявий барқарорлигини белгилловчи муҳим омиллардан биридир. Банк ликвидлиги деганда жалб қилинган маблағлар бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши тушунилади. Бошқача айтганда, банкнинг жалб қилинган маблағлари пул эгасининг хоҳишига кўра нақд ёки нақдсиз пул кўринишида берилиши лозим. Лекин банк тижорат ташкилоти сифа-

тида ўз фойдасини қўлаб, ушбу маблағларни тегишли активларга жойлаштиради.

Натижада кредитга жойлаштирилган маблағлар банкларнинг вақилик ҳисоб варақларидан тушиб қолиши ва талаб этилганда уларни эгаларига қайтариш имконияти бўлмаслиги мумкин Оқибатда банкларнинг молиявий инқирозга учраши эҳтимолдан узоқ эмас. Биз ўз фаолиятимиз давомида ана шу каби ҳолатларга йўл қўймасликка ҳаракат қилаёلمиз.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш масаласи ҳам муҳим вазифалардан бири саналади. 2015 йилнинг ўзида жами омонатлар 23 фоизга кўпайган. Шундан муддатли ва жамгарма омонатлари ҳиссаси 44 фоизни ташкил этаётганлиги тижорат банкларининг барқарор молиявий ресурсларга эга эканлигидан далолатдир.

Банк депозитларининг тез суръатлар билан ўсиши, ўз навбатида, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, кейинги беш йил давомида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган жами кредит қўйилмалари 3,9 бараварга кўпайган ва жами 1 млрд 923 миллион сўмни ташкил қилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларни банк пластик картчаларига билан таъминлаш 2011 йилга нисбатан 2 бараварга кўпайганлиги фикримизга яққол мисол бўла олади.

Қолаверса, мижозларни тўлов терминаллари билан таъминлаш мекиси тобора кенгаймоқда. Сўнгги беш йил давомида тўлов терминаллари миқдори 3 баробарга ёки 13482 тага кўпайган. Буларнинг ҳаммаси аҳоли учун катта қўлайлик тугдириб, ҳисоб-китоблари ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш имконини бераётди.

Жасур БАХРИЕВ,
Марказий банкнинг Самарқанд вилoят Бош бошқармаси
Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш бўлими бош иқтисодчиси.

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ТАЖРИБА МАЙДОНИГА ЭКИЛГАН 125 ТУП FUJI (ВАТАНИ ЯПОНИЯ) ОЛМА НАВЛАРИ ЖУДА ЯХШИ ЎСА БОШЛАДИ.

САМАРҚАНД БОҒЛАРИДА ЯПОН ОЛМАЛАРИ ҲОСИЛГА КИРАЯПТИ



– Жорий йилнинг март ойида ўн сотих ерда Fuji олмаларининг модул боғи яратилди, – дейди институтнинг Мева-сабзовотчилик, узумчилик кафедраси ассистенти Хусниддин Хонкулов. – Бунда JICA агентлигининг "Ўзбекистонда олма етиштиришнинг замонавий технологияларини жорий қилиш орқали фермерлар даромадини ошириш" дастури муҳим омил бўлди. Мутахассисларимиздан бир гуруҳи мазкур лойиҳа доирасида кунчиқар мамлакатда хизмат сафарига бўлиб, ушбу олма навини парваришlash шартларини ўрганиб қайтишди.


Бу нави етиштиришда биринчи навбатда йирик меванинг сифатини сақлашга эътибор қаратилади. Дарвоқе, бир дон олманинг оғирлиги 600-800 граммни ташкил қилади. Диаметри 99,2 мм. бўлиб, таркибда қанда микдори 17 фоиздан ошади.

Агар бошқа олма боғларининг тектаридан кўпи билан 25-30 тонна ҳосил олинса, ушбу нав экилган интенсив боғлар барпо этилгач, икки-уч йилдан кейин бир гектар майдондан 50-60 тоннагача ҳосил етиштириш мумкинлиги тахмин этилмоқда.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ



Ушбу тадбир Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жанубий Кореядаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Мазкур таширф доирасида "Ўзбекенгилсановати",

Жорий йилнинг 24-27 май кунлари Жанубий Кореядаги кўп тармоқли "LOTTE MART" савдо уйи вакилларининг юртимизга сафар қилиши кутилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад озиқ-овқат ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорти бўйича манфаатли шартномалар тузиш ва иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат.

"Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбеккозиқовқатхолдинг" компаниялари мутасаддилари билан учрашувлар ўтказиш, шунингдек, Кореяга маҳсулот экспорт қиладиган тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан амалий мулоқотлар ташкил этиш режалаштирилган.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу сафар корейс бозорига янада чуқурроқ кириб бориш ва икки томонлама савдо муносабатларини кенгайтиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, кўп тармоқли "LOTTE MART" ўз салоҳияти жиҳатидан Марказий Осиёдаги йирик тижорат субъектларидан бири ҳисобланади. Унинг савдо белгиси остида сотувга чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, турли ўйинчоқлар, кийим-кечак ҳамда замонавий электротехника воситалари бугун нафақат Жанубий Корея, балки Япония, Хитой, Индонезия ва бошқа мамлакатларда ҳам ўз харидорларига эгадир.

Ўз мухбиримиз

Реклама ўрнида

Хорижда, айниқса, МДХ давлатларида саховатли ўзбек заминиде етиштирилган мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларига азалдан талаб юқори бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, берилаётган имтиёз ва преференциялар экспорт салоҳиятини ошириш имконини бераётир. Президентимизнинг жорий йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Замонга ҳамоҳанг равишда жаҳон бозори талаблари ҳам ўзгариб бормоқда. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида бўлгани сингари қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам сифатни белгиловчи аниқ стандартлар мавжуд. Бугун тайёр ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини жаҳон бозорларига чиқаришнинг асосий шартини – халқаро "GlobalGAP" стандартига қатъий амал қилиб, бу борада зиммага олинган мажбуриятлар ижросини тўла таъминлашдан иборат. "GlobalGAP" – етиштирилган маҳсулотнинг хавфсизлигини кафолатловчи тизимдир. Ушбу стандартлаштириш тизими инсон истеъмоли учун яроқли бўлган барча турдаги ўсимликлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, чорва ҳамда сув жониворларини қўлайтириш жараёнларини қамраб олган. Яъни "GlobalGAP" – қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун биринчи даражали стандарт ҳисобланади. Бунда айнан етиштирилган ва қайта ишланган яқуний маҳсулот билан бир қаторда, чорва ва сув ҳайвонлари учун мўлжалланган озуқа моддаларидан тортиб, уларни тайёрлашга бўлган жараёнлардаги техник ва технологик хавфсизликни тушуномқозим. Хўш, "GlobalGAP" тизимининг жорий этилиши фермер ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчиларга нима беради? Айтиш керакки, ушбу тизим дунё мамлакатларида хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб беришни кафолатлайдиган меъёрий ҳужжат сифатида алоҳида аҳамиятга эга ва қонуний жиҳатдан тўла ҳимояланади. "GlobalGAP" тизимининг афзалликлари кўп. Биринчидан, банк ва инвесторлар олдида ташкилотнинг обрўси ортади. Иккинчидан, корхонада санитария-гигиена ҳолати яхшиланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ифлосланиш хавфи камайдир. Булар эса маҳсулотнинг бозорбоп ва рақобатдошлигини таъминлайдиган муҳим омиллардир.

Марказ ва бўлимимиз мутахассислари томонидан олиб борилаётган тарғибот тадбирлари давомида мазкур стандартлаштириш тизимининг афзалликлари кенг тарғиб қилиниб, мавжуд фермер хўжалиқларининг экспорт салоҳиятини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Зеро, бугунги ҳаракат эртанги баракат, демакдир.

Улугбек ОТАКУЛОВ,
Навоий вилояти Синов ва сертификатлаштириш Маркази давлат корхонаси Сифат менежменти тизимини жорий этиш бўлими мутахассиси.

Хизматлар лицензияланган

ЯНГИ РЕЖАЛАР САРИ

Реклама ўрнида



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ташқи бозорларни ўрганиш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган халқаро тендер ҳамда кўргазмаларда фаол иштирок этиш айни кундаги муҳим вазифалардан биридир. Эътиборлиси, бу борада уларга давлатнинг ўзи қамарбаста бўлаётир. Хусусан, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Сирдарё вилоят филиали бу борада қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, жорий йил 8-12 февраль кунлари Москвада ўтказилган "Продэкспо – 2016" XXIII-халқаро озиқ-овқат ва уларнинг хомашё захираларига бағишланган халқаро кўргазмада вилоятдаги "Cotton Impex Group" масъулияти чекланган жамиятининг иштироки таъминланди. Бу эътибор ва рағбат туфайли ўзбек тадбиркорининг фаолият самарадорлиги, меҳнатни ташкил этиш услуги хорижий ҳамкорларда катта қизиқиш уйғотди, манфаатли келишувлар амалга ошди. Шунингдек, март ойида бўлиб ўтган "AYMOD 2016" чарм-пойабзал халқаро кўргазмасида вилоятда фаолият кўрсатаётган "ПЕНГ-ШЕНТ" қўшма корхонасининг буюмлари юқори баҳоланди.

Замон билан ҳамқадам бўлиш – тадбиркорларга ёрдам беришни кўзлаган мазкур жамғарманинг фаолият мезонларидан биридир. Хусусан, кейинги пайтда мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ислохотлар доирасида бутун республикада бўлганидек, Сирдарё вилоятда ҳам фаол иш олиб боришмоқда. Шу мақсадда Янгйер шаҳрида фаолият юритаётган "Янгйермева-сабзавотсавдо" МЧЖга АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" филиалидан 72 минг АҚШ доллари миқдорда кредит олиш ва шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказишда амалий ёрдам кўрсатилди. Шу тариқа корхонанинг жами совуттич сигими 240 тоннага етди.

Турли савдо компаниялари, "Ўзстандарт" агентлиги вилоят бўлими билан ҳамкорликда вилоятда фаолият кўрсатаётган экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашиб, уларга яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, Жанубий Кореянинг "Daе Han International Group" компанияси, Россия Федерациясининг "Ашан", "Азбука вкуса", "Пятерочка", "Магнит" савдо тармоқлари, Беларусь Республикасининг "Фрутреал" масъулияти чекланган жамияти билан икки томонлама шартномалар имзоланди. Ҳозир шу асосида заминимиз бағрида етиштирилган ноз-неъматлар хорижий истеъмолчиларга етказиб беришмоқда. Бундан ташқари вилоятдаги экспорт салоҳиятига эга бўлган ташкилотлар, жумладан, "Agro food Group" МЧЖ, "Мирзаобод Универсал Трейд", "Golden Food Group" МЧЖ тақлиф қилаётган маҳсулотларнинг таркиби, сифати ўрганилиб, тижорат тақлифлари тайёрланмоқда, интернет сайтлари (all.biz, forum.cotton.ru, teclot.com) орқали хорижий ҳамкорлар сафини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда, маркетинг тадқиқотлари олиб боришмоқда.

Албатта, ҳали олдинда қилинажак ишлар талайгина. Галдаги энг муҳим вазифалардан бири шуки, жамғарманинг вилоят филиали ходимлари эндиликда ёш ва энди оёққа тураётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, шу орқали экспорт салоҳияти потенциалини оширишни мўлжал қилишмоқда.

Севара АЗИМОВА,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган

ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ САМАРАСИ

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Тошкент вилоятида қарийб 30 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, вилоят айтиш маҳсулот ички ишлаб чиқариш салмоғида уларнинг улуши салкам 60 фоизни ташкил этмоқда. Янги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга тушайтгани, корхоналарда модернизация ишлари олиб борилиб, замонавий техника ва технологияларнинг жалб этилаётгани бундай муваффақиятлар омилли бўлмоқда. Вилоят тадбиркорлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сони ва тури йилдан-йилга ортиб бориши баробарида ўзининг сифати ва бежиримлиги, нархининг арзонлиги билан хариддориги бўлмоқда. Асосийси, тадбиркорлар ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз маҳсулотларини эркин сотишмоқда.

– Корхонамиз 2009 йилда ташкил этилган, – дейди О'зLiDeP аъзоси, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Комилжон Мирсағатов. – Кейинги йилларда мамлакатимизда биз каби тадбиркорлар учун шундай қулай шароитлар яратиб берилдики, ундан фақат унумли фойдаланиш керак, холос.

Биргина бизнинг Қўбрай туманида мингдан ортиқ тадбиркор, фермер фаолият юритаётган бўлса, уларнинг қай бири билан сузлашманг, солиқ ёки божхона имтиёзларидан иқтисод қилинган маблағга бири ўз корхонаси фаолиятини кенгайтириш учун, бошқаси эса янги замонавий технология сотиб олиш ниятида юрган бўлади. Буларнинг барчаси ширин ташвишлар-да, дегимиз келади. Партияимизнинг асосий электрат вакиллари бўлиш тадбиркор, фермерлар сафида менинг ўзим ҳам борлигимдан ўзгача фахр туяман. Тошкентда бўлиб ўтган кўргазмада хорижий ишбилармонлардан бири бизнинг эришган ютуқларимизни кўриб, мenden,



айтинг-чи, сизларда тадбиркор бўлиш осонми, деб сўраб қолди. Мен эса ҳеч иккиланмай, амалдаги қонунарга суяниб ишлаганга жуда осон ва нихоятда шарафли, деб жаъоб бердим. Сездимки, улар бизнинг юртимизда тадбиркор ва ишбилармонлар учун яратилган қулай муҳитга ҳавас қилишар экан.

Сўхбатдошимиз Комилжон ака бошчилик қилаётган корхона асосан сут ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашга ихтисослашган бўлса-да, қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш цехи фаолиятини ҳам йўлга қўйганлиги эътиборга лойик. Ҳозир бу цехда ўнга яқин ишчи хизмат қилмоқда. Хориждан келтириб ўрнатилган сутни қайта ишлаш цехида эса 8 турдаги сут ва сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Маҳсулотнинг сифатлиги, гиги-

еник ҳамда мувофиқлик сертификатларига эгалиги эса унинг хариддорлигини оширмоқда.

– Маҳсулотларимизни туманимиз ва пойтахтимиз аҳолисига изчил равишда етказиб бераёلمиз, – дейди К. Мирсағатов. – Аслида бирор маҳсулот ишлаб чиқаришдан аввал уни сотиш масаласини ҳам ҳал қилиш керак экан. Бўлмаса ҳар қандай вазиятда ҳам қасосда учраб қолиш эҳтимоли катталигини тушуниб, ўз вақтида чоралар кўрдик. Биз ҳам корхонамизни ташкил қилишдан аввал бозорни ўрганиб чиқдик. Тўғриси айтиш, аввалига бироз қийинчиликлар ҳам бўлди. Ана шунда О'зLiDeP Қўбрай тумани Кенгаши яқин кўмакчи бўлди, десам адашмайман. Чунки энди иш бошлаган тадбиркорга кўмак бериш, кези келганда қўллаб-қувватлаш кейинги фаолият учун катта далда бўлишини амалда кўрдик. Корхонамизда ундан ортиқ киши ишлаётган бўлса-да, лекин ён атрофимиздаги тадбиркорлик субъектлари ишчиларини ҳам жалб этган ҳолда 27 нафар партия аъзосини ўз сафига турли миллат ва элат вакилларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти туздик. Эътиборлиси, корхонамиз фаолият юритаётган ҳудуддаги айрим ижтимоий масалаларни бамаслаҳат ҳал этишга кўмаклашяпмиз. Ишчиларимизнинг моддий манфаъадорлиги, ишлаш ва дам олиш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Яқинда яна бир цехни ишга тушириш режалаштирилган. Бу билан қишлоқнинг ўнга яқин ёшлари иш билан таъминланади.

Бугунги кунда вилоятда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг кўпчилиги маҳсулот ишлаб чиқариш, деҳқончилик ва чорва маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйган. Натижада вилоятда, хусусан Қўбрай туманида импорт маҳсулотлар сони ва салмоғи йил сайин камайиб бораёпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоят тадбиркорлари, фермерлари қарийб 1 миллиард долларлик маҳсулотни хорижа экспорт қилганлиги таҳсинга сазовор. Шу боис сановат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш

билан шугулланадиган тадбиркорлик субъектлари сони кўпаймоқда. Қолаверса, импорт ўринини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар ҳажми ортиб, янги иш ўринлари яратилаётгани жойларда қасб-хунар коллежларини тугатаётган ёшларни ўзлари эгаллаган соҳалар бўйича иш билан таъминланишларига йўл очмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида туманда тадбиркорлар ва фермерларнинг саноат-ҳаракатлари билан 20дан ортиқ саноат корхоналари, кичик цехлар ишга тушганлиги боис мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

– Албатта Президентимиз раҳнамолигида белгиланган долзарб вазифаларни ҳаётга кенг татбиқ этишда қишлоқ мулкдорларининг ҳам ўзига хос улуши ва ўрни бор, – дейди О'зLiDeP Қўбрай тумани Кенгаши раиси ўринбосари Зарофат Мухамедова. – Қувонарли томонини шундаки, туманимизда фидойи тадбиркорлар сафи йил сайин кўпайиб бораёпти. Улар бугун маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли учун янги иш ўринлари яратиш билан биргаликда қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Масалан, биргина "MILK HEAVEN BIZNES" корхонаси раҳбари, О'зLiDeP аъзоси Комилжон Мирсағатовнинг ёрдами билан салкам 5 километрга яқин жойга каналлизация қувурлари ётқизилди, 1 километрдан ортиқ йўл асфальт қилинди. Қам таъминланган оилалар қолдан ҳабар олиш, нуруний, беморларга ёрдам бериш борасида ҳам бу корхонанинг саховатли ишлари мақтағулик. Ўз сайловчиларининг ишончини қозонгани учун ҳам, мана ушбуқисмат уч қақирқидан бери Комилжонни туман депутатлигига сайлашади. Буларнинг барчаси юртимизда тадбиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, эркин фаолият юритиши учун кенг имконият яратилаётгани, ўз навбатида қулай имтиёзлар берилаётгани натижадидир.

Зиёдулла МУМИНОВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган

ХАЁТ АҚИҚАТЛАРИ

– Тилга эътибор, элга эътибор, деган гап бекорга айтилган эмас. Баъзи ёзувчиларимиз мавзу топилса бас, бўғини уриб ёзаверса бўлади, энг муҳими, қозога тушгани қолади, бўғини редакциянинг ўзида тўғрилашади, деб тушунишади. Тўғри, мавзу бош масала, аммо асарнинг бадиий хусусиятлари ҳамиша муҳим, ҳақиқат замонавий масала бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бир куни радиони эшитиб ўтирсам, дўстим А. Мулламухамедовнинг очеркини бериб қолди. Бу очеркда туянчиликни ривожлантириш, Ўзбекистонда туя чорвасининг истиқболи ҳақида гап борарди. Қўриб турибсизки, бу мавзу ниҳоятда шу кунимиз учун зарур ва актуал масала. Қулоқ солиб ўтирсам, бир жойда “туянинг айрони” деган сўзни ишлатиб юборди. Буни қаранг-а, туянинг “айрони” эмиш. Туянинг сутти бўлади, суттини ачитиб қимрон (чубот) қилишади. Чорва моллари маҳсулотлариға халқнинг ўзи қўйган атамалари мавжуд: сизирнинг сутидан қатик, айрон, пишлоқ қилинади; биянинг сутидан қимиз; туянинг сутидан қимрон. Наҳотки ўртоғимиз шуни билмас! Гоҳ матбуотда “ҳар бош она қўйдан...”, “Она чўчка балчиқда маза қилиб лорсиллаб ётарди...” каби жумлаларни ўқиганимда ўзингни қўйга жой тополмай қолсан.

Дунёда “она”дан ҳам муътабар зот борми? Шунақа экан, чорва молларининг ўзи атамалари турган бўлсаю, нима учун унинг ёнига “она”ни ёнма-ён қўйиб керак? Ахир халқимиз баъзи журналистлар тап тортмай айтаётган “она қўйни” “совлиқ” дейди-ку!

Устоз Алишер Навоий отларнинг ёш ҳижатдан етти турга бўлинишини ўзининг рисоаларидан бирида аниқ-таниқ қилиб айтиб кетганлар: қулун, той, ёбоғи, қунон, дўнан, бешлик ва ниҳоят от. Қорамолға нисбатан сизир, бузоқ, тана, ғунажин, қочар, буқа, ҳўкиз. Чорва молларининг сифатла-

Носир ФОЗИЛОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

ри ҳақида ҳам чалкашликлар жуда кўп. Масалан, баъзи ёзувчиларимиз отларни тасвир қилганларида оқ от, қора от, қизил от ва ҳоказо деб таърифлашади. Ваҳоланки, уларнинг халқда ўз атамалари бор: човқар, саман, тўриқ, жийрон, буврил... деганда.

Эътиборсизлигимиз натижасида баъзи чорвачилик билан боғлиқ нарсаларнинг атамалари ҳам аста-секин истеъмолдан чиқиб кетяпти. Масалан, эгар, тўқим, жазлик, айил, қўйишқон, юган, сувлиқ, нўхта, узанги, ўмровлиқ, кишан. Ёки молларнинг тана қисмларини аниқлашчи ўмров, ёл, қаптал, сағри, тақим деган сўзлар-чи?

Хатто, қариндош-уруғчилик даражасини билдирувчи сўзларимизда ҳам чалкашликлар учрайди. Ҳозир ҳоланинг ўғлини ҳам, тоғанинг, хатто амакининг ўғлини ҳам “жиян” деб атайдиган бўлишган. Бизнингча, ҳолава, амаки, амаки, жиян, бўла, хола, тоға, амаки, почча каби сўзлар ўз ўрнида, тўғри ишлатилгани маъқул. Бизда “бўла” деган (холава, амаки билдирувчи) сўз бор. Мирзақалон Исмоилийнинг “Фаргона тонг оттуғи” романида шу сўзга қўзим тушиб қолиб, қувониб кетдим.

Хўш, нима учун уни ишлатмаймиз? Ахир, бу бизнинг бисотимиз-ку! Энса, қовға, кегай, рид-вон, канор, қанора, декча, омон, бўйинтуруқ, гупчак, тоқи, ўмиз, зўғата, танав, бўкса, ханик, четан, мўки, жуводиз, сўнар, конжига, қаптал... Ўҳ-ҳў, бунақа истеъмолдан чиқиб арафасида турган сўзлар жуда кўп. Оддий шамчироқ билан замонавий электрғача, оддий урчиқдан то ҳозирги замонавий ип йиғириш дастгоҳларигача, оддий бўз тўқиш дастгоҳидан то тўқимачилик комбинатигача, чайладан қошона уйларгача, икки гилдиракли қўқонаравадан то ҳозирги замон учқур машиналаргача... Ўтган давр ичида ишлаб чиқаришга оид қанчадан-қанча сўзлар яратилди. Қани улар? Улар халқнинг тилида.

Уларни олиш керак, ўрнини топиб ишлатиш, ишлата билиш керак!

1985 йил



“ЧЕМПИОНЛАР КУБОГИ” ТУРНИРИ

Пойтахтимизда 4-14 май кунлари футбол бўйича терма жамоамизнинг 1994 йилги Осиё ўйинларидаги ғалабасига бағишлаб “Чемпионлар Кубоги” турнири ўтказилди.

Ўзбекистон Футбол федерацияси ва ўша йили Ўзбекистон терма жамоаси билан чемпионлиги қўлга киритган собиқ футболчи Азамат Абдураимов ташкиллаштирган турнирда “Восток”, “Корзинка”,

“Free Zone”, “Ардус”, “F-88”, “Chelsea”, “Адолат”

СПОРТ Янгиликлари

ҳамда “Аллианс Арена” жамоалари икки гуруҳга бўлинган ҳолда кураш олиб боришди. Мусобақанинг ҳал қилувчи баҳсида “Free Zone” жамоаси “F-88” жамоасини пенальтилар сериясига кўра мағлуб этиб, турнир ғолиблигини қўлга киритди.

ҲАЛИ ИМКОНИЯТ БОР

Бокс бўйича аёллар терма жамоамиз Козогистоннинг Астана шаҳрида XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг учта вазн тоифаси йўлланмалари (48-51 кг, 57-60 кг, 69-75 кг) ўйналадиган жаҳон чемпионатида иштирок этмоқда. Унда Дилноза Одилонова,

Шахноза Низомова, Нафиса Асқарова, Гўзал Исмаилова, Муҳайё Эсанбаева, Мафтуна Мелиева, Турсуно Раҳимова, Хатун Жумабаева, Эъзоза Мелиева, Ёдгорой Мирзаевалар 10 та вазн тоифасида Рио-2016 йўлланмалари учун кураш олиб боришмоқда.

ЙЎЛЛАНМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Енгил атлетика бўйича XXXI ёзги Олимпия ўйинларида қўлга киритилган йўлланмаларимиз 9 тага етди. Навбатдаги йўлланмага Хитойнинг Шанхай шаҳрида ўтказилган “Бриллиант лига”нинг иккинчи босқичида Надия Дусанова эга бўлди.

Баландликка сакраш баҳсларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Надия 1 м. 94 см. натижани қайд этди ва кумуш медал билан бирга Рио-2016 ўйинлари-

нинг йўлланмаси учун белгиланган метрни бажарди.

Мазкур мусобақада иштирок этган яна бир юртдошимиз Светлана Радзивил 1 м. 88 см. кўрсаткич билан 4-ўринни эгаллади.

Шу тариқа, Рио-2016 ўйинларига йўлланма олган спортчиларимиз сони 80 нафарга етди.



ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАРИ



Козогистоннинг Алмати шаҳрида дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи нуфузли турнир якунланди. Рио-2016 Олимпиадасига муҳим рейтинг очқоларини тақдим этган мусобақада 83 давлат полвонлари иштирок этишди. Мусобақанинг биринчи куни 60 кг. вазн тоифасида татамига чиққан Шарофиддин Лутфуллаев ва Дийрбек Ўрозбоев, сўнгги кунги баҳсларда 100 кг. вазндаги вакилимиз Сойиб Қурбонов бронза медали билан тақдирланишди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Asaka” bank

2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:



“СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА”

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга “Asaka” bank миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қўлай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарход филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

“Asaka” bank –

сармоянгизнинг сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

“Qishloq Qurilish Bank”

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ҚЎЙИДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ
ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютада:

- “Соғлом авлод” – омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
- “Омад” – омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
- “Ёрқин келажак” – омонатга маблағлар 8 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

“Юқори даромад”- омонатга маблағлар 8 ойдан 15 ойгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

- “Капитал плюс” – омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади;
 - “Percent” – омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
 - “Profit” – омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.
- Омонатга маблағлар АҚШ долларларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қўйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

- “Мадад” – маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;
- “Хонадон” – маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади;
- “Қурилишга бошланғич бадал” – муддати - 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун: (0371) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz
АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” – фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган

БОШ МУҲАРРИР: Норқобил ЖАЛИЛОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибнат – 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Аxbорот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: xxi_asr@mail.uz

“XXI ASR” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

“Ўзбекистон” НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ, Буюртма рақами: S 5983 Тираж: 12547

Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 20:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририятда теринди ҳамда дизайнер Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406